Немаловажное значение имели материалы республиканских и международных конференций, отражающие проблемы межгосударственных отношений в разные эпохи. Так, 14 – 16 декабря 1992 г. в Институте востоковедения Российской Академии наук состоялась международная конференция “Россия и Восток: проблемы взаимодействия”, доклады и материалы которой представляют несомненный интерес. В них рассматриваются такие актуальные вопросы, как историческое взаимодействие России и Востока, роль исторического наследия в современных политических отношениях России с народами Востока и др³³. Материалы конференций³⁴ содержат также данные о роли контактных зон между государствами в развитии дипломатических связей; историко-культурных особенностях взаимодействия стран Центральной Азии и России.

Особого внимания заслуживает обобщающая трехтомная работа российских ученых «История Востока»³⁵. Теории и практике межгосударственных отношений посвящены статьи и монографии российских³⁶ и казахстанских ученых³⁷, отражающие межгосударственные контакты Казахстана, Средней Азии и России.

³³ Россия и Восток: проблемы взаимодействия. М., 1993. Ч. I. – 223 с.

³⁴ Цивилизации Центральной Азии: Доклады международной научной конференции. Самарканд, 2002; Урбанизация иnomадизм в Центральной Азии: история и проблемы // Материалы международной конференции. Алматы, 2004; Новая история Центральной Азии. Переоценка истории, современные проблемы и подходы. Доклады международной научной конференции. Ташкент, 2004.

³⁵ История Востока. Восток в древности. М.: Восточная литература РАН, 1997. Т. I.; Восток в средние века. М.: Восточная литература РАН, 1995. Т. II; Восток на рубеже средневековья и нового времени. XVI – XVIII вв. М.: Восточная литература РАН, 2000. Т. III.

³⁶ Мясников В. С. Историко-культурные особенности экономического взаимодействия России с Китаем // Россия во внешнеэкономических отношениях: уроки и современность. М., 1993; Каменский А. Б. Российская империя в XVIII веке: традиция и модернизация. М., 1999; Воскресенский А. Д. Россия и Китай: теория и история межгосударственных отношений. М., 1999; Широков Г. К. Восток: панorama новейшего времени. Избранные научные труды. М.: Институт востоковедения РАН. 2003. – 672 с.; Калинина Н. С. Межцивилизационные взаимоотношения России и Китая: особенности и история развития. // Восток (Oriens). М.: Наука, 2004. № 5. С. 106 - 121; Черешнева Л. А. Азиатский Восток в новое и новейшее время. // Восток (Oriens). М.: Наука, 2004. № 5. С. 159 – 164.

³⁷ Абусеитова М. Казахстан и Центральная Азия в XV – XVII вв.: история, политика,

Таким образом, комплексный анализ историографии проблемы убеждает, что представители различных научных направлений в разное время и с альтернативных позиций затрагивали историю дипломатических отношений Средней Азии и России. Автором данной статьи предпринята попытка специального изучения этого вопроса³⁸.

X. Гуломов

**XVIII АСР ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎРТА ОСИЁ
ВА РОССИЯНИНГ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ:
МУАММО ТАРИХШУНОСЛИГИ**

Мақолада муаммо тарихшунослиги яхлит тарзда таҳлил қилинган, XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида тадқиқотчиларнинг Ўрта Осиё ва Россия халқаро муносабатлари тарихини ёритишдаги асосий илмий йўналишиларининг альтернатив методологик ёндошувлари кўрсатилган, шунингдек, замондош тадқиқотчилар ва хориж олимларининг асарлари ҳам таҳлил қилинган.

Kh. Gulomov

**DIPLOMATIC RELATIONS BETWEEN CENTRAL ASIA
AND RUSSIA IN 18 TH – FIRST HALF OF THE 19TH CENTRIES:
THE HISTORICAL ASPECT OF THE ISSUE**

Kh.G. Gulomov's article gives a complex analysis of historical aspect, outlines main scientific approaches and alternative methodological viewpoints of researches of 18 th - 20 th centuries, who studied the history of interstate relations between the Central Asia and Russia.

дипломатия. Алматы, 1998; Масанов Кочевая цивилизация казахов. М.: Алматы, 1998.

³⁸ Гуломов Х. Г. Средняя Азия и Россия: истоки формирования межгосударственных отношений (начало XVIII века). Ташкент: Университет, 2005. – 58 с.; Гуломов Х. Г. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. Ташкент: Фан, 2005. – 334 с.

Этнология муаммолари

M. Исомиддинов

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЭТНИК ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

ЕвроОсиё материгининг Карпат тоғларидан Олтойгача ва Урал тоғларидан Ўрта Осиёнинг Амударё бўйларигача бўлган ҳудудларида мисдан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида мис ва бронзанинг кеңг тарқалганлигини кўрамиз. Бу ҳудудларнинг деярли ҳамма еридаги бир хил географик мұхит, бир хил деҳқончилик ва чорвачиликка асосланган хўжалик, иқтисодий тараққиётнинг бир хил даражада эканлиги ҳамда шу ҳудудлардаги мустаҳкам ирқий-маданий алоқалар жуда катта майдонни эгаллаган “чўл маданияти”ни пайдо бўлишига олиб келди¹. Бу XX асрнинг биринчи ярмида археологлар томонидан “чўл маданияти”ни умумий аниқланиши эди.

Вақт ўтиб “чўл маданияти” тарқалган ҳудудлар доирасида “срубная” ва “андроново” маданиятлари ажратилди. Булардан андроново маданияти Жанубий Урал, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг чўл ҳудудларини эгаллади². “Андроново маданияти” номининг келиб чиқишига Ачинск шаҳри яқинида жойлашган Андроново қишлоғидаги қадимги қабристон номи бўлди³. Лекин, “андроново маданияти” бор эканлигини С.А. Теплоухов аниқлаган ва бу ҳақда илмий жамоатчиликни ҳабардор қилган⁴.

Андроново маданиятини аниқланганига яқин 80 йил бўлганлигига қарамай жуда кўплаб олимлар бу маданиятнинг чегаралари, унинг пайдо бўлган ва ҳалокатга учраган вақти, бу маданиятни ташкил этган қабилялар, уларнинг дини ва турмуши тўғрисида илмий жамоатчилик йўртади.

¹ Марков Г.Е. Некоторые проблемы возникновения и ранних этапов кочевничества в Азии//СЭ. 1973. №1.

² Сальников К.В. Бронзовый век Южного Зауралья // МИА. 1951. №21; Его же, Очерки древней истории Южного Урала. М., 1967; Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. М.: Наука, 1977.

³ Тугаринов А.Я. Андроновские могилы. Сибирская живая старина. Иркутск, 1926. Т.1 С.153-158.

⁴ Теплоухов С.А. Древние погребения в Минусинском крае // Материалы по этнографии. 1927. Т.П. Вып. 2; Его же. Древнеметаллические культуры в Минусинском крае // Природа. М., 1929 а. №2; Его же. Опыт классификации древних металлических культур Минусинского края // Материалы по этнографии. Л., 1929б. Т.IV. Вып. 2.

сида доимий мунозаралар давом этди. Бу маданиятларнинг локал варианти бўлганми ёки йўқлиги тўғрисида баҳслар кетар ва ҳатто, «андроново маданияти» деб номланиши шу маданиятни туб моҳиятини очиб бера олмаслиги тўғрисида фикрлар билдирилди. Шунинг учун Э.А. Федорова-Давидова “андроново маданияти” сўзини “андроново маданий - тарихий бирлиги” номи билан ўзгартириш кераклигини айтди⁵.

Бизнинг фикримизча, Э.А. Федорова-Давидованинг “андроново маданияти” жумласини “андроново маданий-тарихий бирлиги” деб ўзгартириши ўша даврдаги маданий-ирқий ҳолатни тўғри акс эттирган. Ҳамма гап шундаки, андроново маданияти тарқалган ҳудудларни умумий майдони гарбда Волга дарёсидан шарқда Енисей дарёсигача, шимолда Урал тоғларидан жанубда Амударё бўйларигача бўлган ерларни эгаллагида ва бунчалик катта майдонда тарқалган маданиятларнинг турли қисмларида турли локал варианtlарини бўлиши табиийdir.

Жумладан, Ўрта Осиё ҳудудида тозабоғёб ва қайроқкум маданиятлари борлиги аниқланди⁶. Юқорида айтилган Ўрта Осиёга хос маданиятлардан ташқари бу ҳудудларга, яъни Ўрта Осиё ҳудудларига шимолдан федорово ва алакул маданиятларини ҳам кўплаб кириб келганиларини кўрамиз.

Хўш, нима сабабдан “андроново маданий-тарихий бирлиги” тарқалган ҳудудда кўплаб маданий гуруҳларни ёки локал маданиятларни ажраши кузатилади? Бу ерларда алоҳида, кичик ҳудудларни эгаллаган локал маданиятларни вужудга келишининг асосий сабаби нимада?

Дастлаб шуни айтиш керакки, бу ерда гап ибтидоий жамият ва илк темир даври маданиятлари тўғрисида кетмоқда. Алоҳида олинган ҳудудда бир хил иқтисодий тараққиёт, бир хил хўжалик юритиш системасига эга бўлган, бир-бирига қариндош бўлган қабилалар гуруҳининг вужудга келишининг асосий сабаби ўша ерадиги бир хил географик мұхит, табиий шароит бўлиши керак эди.

Дунёнинг хоҳлаган бурчагидаги чорвадор аҳолининг хўжалик юритилиши учун, яъни чорва молларини боқиши учун энг аввало маълум ҳудуддаги ўтлоқ ер, молларни сугориши учун сув, (дарё, сой, ариқ, булоқ суви,

⁵ Федорова-Давыдова Э.А. К проблеме андроновской культуры // ПАУС. М., 1973. С.131-152; Аванесова Н.А. Культура пастушеских племен эпохи поздней бронзы Азиатской части СССР (по металлическим изделиям). Ташкент: Фан, 1991. С.5; Кузьмина Е.Е. О соотношении типов андроновских памятников Урала (по материалам Кинзерского могильника) // Памятники древнейшей истории Евразии. М., 1975. С.200.

⁶ Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948; Итина М.А. О месте тазабагябской культуры среди культур степной бронзы // СЭ. 1967. №2; Литвинский Б.А. Памятники эпохи бронзы и раннего железа Кайраккумов // Литвинский Б.А., Окладников А.П., Ранов В.А. Древности Кайраккумов. Душанбе, 1962.

корриз суви, ҳеч бўлмагандан қудуқ суви) бўлиши керак эди. Худди шундай табиий шароитлардан келиб чиқиб, ўша ҳудуддаги қабила аъзоларининг хўжалик юритиш системаси шаклланди. Яъни табиий шароитлардан келиб чиқиб ўша ҳудуддаги, айниқса Ўрта Осиё ҳудудларидағи қабилаларнинг дехқончилик ёки чорвачилик хўжалик юритиш системасини шаклланиши, ёки аксинча, шаклланмаслиги мумкин эди.

Ўрта Осиё шароитида қандай хўжалик юритиш системасини вужудга келишини асосан сув манбаи ҳал қилган. Доимий сув билан таъминланган дарё воҳаларида дехқончилик хўжалик юритиш системаси тараққий этган бўлса, кўпроқ чўл ҳудудларига яқин ерларда чорвачилик ривожланди. Дарё воҳалари билан чўл ҳудудларидаги чегара районларида яшайдиган қабилаларнинг кундалик турмушида дехқончилик ва чорвачиликнинг ўрни деярли тенг бўлган. Айнан шу ҳолат асли келиб чиқиши бир бўлган, қариндош қабила аъзоларининг бир ҳудудда, яъни бир географик муҳитда бирлашиб яшашларини тақозо қилган.

Лекин, ҳеч қандай жамият бошқа қабилалардан ажралиб яшапши, улар билан алоқа қиласдан яшаши мумкин эмас эди. Ҳар қандай қабила ўзининг қўшниси етиштирган, тайёрлаган маҳсулотга ўзининг маҳсулотини айрибошлишга муҳтож бўлган. Айниқса, металлдан ясалган буюмлар – меҳнат қуроллари ва ҳарбий қуроллар ҳамма қабилалар учун ҳам асосий керакли товарлар ҳисобланган. Бу иқтисодий алоқалар доим бўлган, лекин бир географик муҳит ҳудудида бирлашган қабилалар гуруҳининг асосий қисми доимо ўша ерда қолган.

Чорвадор қабилалар яшайдиган ҳудудларда ҳам уларнинг мол бўқиб тириклик қиласидиган ерлари сув билан боғлиқ бўлиб, ўша сув манбаидан узоқча кетмаган. Ҳеч қандай қабила аъзоси ўзининг молларини сувсиз саҳроларга ҳайдамаган.

“Андроново маданий-тарихий бирлигини” шаклланишида юқоридаги сабаблардан ташқари ўша даврдаги дунёning энг олдинги цивилизациялари ҳам катта роль ўйнаган. Яъни “четдаги варварлар” ни цивилизацияларга узоқ ёки яқин жойлашиши, қадимги қабилаларни бирлаштириб турган йўлларга ўша қабилалар жойлашган ҳудуднинг ўзоқ ёки яқинлигининг таъсири катта бўлган.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган сабаблар қабилалар ҳаётига таъсир этиб турадиган доимий омиллар бўлиб, уларнинг маданиятидаги тури-туманликнинг вужудга келишига ва битта қариндош уруғларнинг маданияти ичидаги алоҳида гуруҳларни пайдо бўлишига сабабчи бўлган⁷.

⁷ Итина М.А. История степных племён Южного Приаралья. М: Наука, 1977. С. 7.

Археологларнинг кузатишича “андроново маданий-тариҳий бирлигі”га кирувчи қабилаларнинг қабристонлари доимий бўлган. Яъни битта қабристон ҳудудида ўша қабила аъзолари узоқ муддат давомида одам қўйғанлар, уларнинг одатига кўра қабила аъзоси ўлгандан имкони борича уларни авлодларини олдига қўйишга ҳаракат қилишган. Ҳатто, ўлган одамни ўзини яқинларига яқин қўйиш учун эски қабрларнинг орасидан жой топишиб ва уларга зиён етказмаган ҳолда янги ўликни қўйишга ҳаракат қилишган ёки қабристон атрофларидағи янги ерларни ўзлаштиришган⁸.

Бизнинг фикримизча, қадимги даврлардаги этномаданий комплекс худди шундай вужудга келган. Фақат ўзаро қон-қариндош бўлган ва бир-бирлари билан доимий алоқада бўлган қабилаларни бирлаштирган ҳудудда этномаданий комплекс вужудга келган. Андроново маданий-тариҳий бирлиги ҳудудида ҳам бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бўлган ва аслида қон-қариндош бўлган қабилаларнинг қатор этномаданий комплекслари олинган.

Бу қабилаларнинг этник келиб чиқиши тўғрисида тарих фанида қўйидаги нуқтаи назар ҳукмронлик қиласди. Унга кўра милоддан аввалги II минг йиллик ва I минг йилликларда Ҳиндистон атрофларида ҳинд тилларида, ҳозирги Эрон ясси тоғликлари ва Ўрта Осиёning икки дарё оралиғида эса тил жиҳатидан ҳинд тилларига яқин, лекин этник келиб чиқиши жиҳатидан улардан муглақо фарқ қилувчи қабилалар яшар эди. Шу сабабли Эрон учун ҳам, Ўрта Осиё учун ҳам орийлар келгинди эдилар. Улар аслида Россиянинг жанубий ҳудудлари, Қозогистон даштларида, Жанубий Урал атрофларида яшайдиган чорвадор аҳоли эди. Иқлимини, оби-ҳавони навбатдаги қуриши туфайли далаларда ўтлоқ ерлар камайди, чорва молларини боқиши қийинлашди ва натижада турғун ҳолатда чорвачилик қилиб кун кўрган чорвадор орийларни жануби-шарқ ва жанубий ҳудудларга, ҳатто, евросиёning энг қадимги дәҳқончилик ўчоқларигача бўлган ҳудудларга кўчишга мажбур қилди. Шунда қадимги ҳинд-эрон қабилаларини иккига бўлиниши юзага келди.

Б.Я. Ставиский ва С.А. Яценко фикрларига кўра Ҳиндистон континентининг шимолий қисмларига жойлашган ҳинд-эрон қабилалари - ҳинд-ориyllар ва Эрон ҳамда Ўрта Осиёning икки дарё оралиғида жойлашган қабилалар эронлиларни ташкил этди⁹.

⁸ Аванесова Н.А. Культура пастушеских племен эпохи поздней бронзы Азиатской части СССР (по металлическим изделиям). Ташкент: Фан, 1991. С.87.

⁹ Ставиский Б.Я., Яценко С.А. Искусство и культура древних иранцев. Великая степь, Иранское плато, Средняя и Центральная Азия. М., 2002. С.15.

Маълумки, қадимги ҳинд-эрон қабилалари ёки орийлар умумий ҳинdevропа халқлари массивидан ажрашган ва қадимда тил жиҳатидан ностратик тиллари макроиласига кирган¹⁰. Антропологларнинг фикрига кўра энг қадимги замонлардан буён европеоид ирқига мансуб аҳолининг Мўғулистаннинг марказий қисмларигача бўлган ерларга тарқалганлигини айтишади¹¹, шу билан бирга В.П. Алексеев “европеоид ирқига кирувчи аҳолининг бу даврдан ҳам илгарироқ янада шарқий ҳудудларга тарқаганлиги масаласи очиқлигича қолади”¹², дейди.

Тилшуносларнинг фикрига кўра милоддан аввалги II минг йилликнинг охирларигача бўлган вақтларда ностратик макроиласига фақат ҳинdevропа тиллари гуруҳигина эмас, ўша даврлардаги урал тиллари, олтой тиллари ва умуман, эски дунёнинг кўплаб тиллари ҳам кирган¹³.

Ҳинdevропаликлардан фарқли ўлароқ, орийлар маълум бир археологик маданиятлар ва топилмалар билан боғланадилар. Жумладан, дастлаб К.Ф.Смирнова ва кейинроқ Е.Е. Кузьмина орийларни андроново маданияти билан боғлаш схемасини ишлаб чиқдилар¹⁴. Шу билан бирга жуда кўплаб олимлар андроново маданияти билан бирга срубная маданиятини ҳам ҳиндорий қабилаларига хос деб ҳисоблашади¹⁵.

Ўша даврнинг йирик олимлари ўртасида фақат С.С. Черников андроново маданий-тарихий бирлигига кирувчи қабилаларни турли тиллар гуруҳига кирувчи этнослардан иборат бўлиши мумкинлигини айтган¹⁶.

Бизнингча, С.С. Черниковнинг “андроново маданияти турли этнослардан иборат бўлиши мумкин”, деган фикри анча ҳақиқатга яқинга ўхшайди ва андроново маданиятига тегишли ҳамма қабилалар ягона

¹⁰ Иллич-Свитыч В.М. Опыт сравнения ностратических языков. М., 1971. Т. I.; Алексеев В.П. Демографическая и этническая ситуация // История первобытного общества. Эпоха классообразования. М.: Наука, 1988. С.294-334.

¹¹ Алексеев В.П., Гохман И.И. Антропология Азиатской части СССР. М., 1984.

¹² Алексеев В.П. Демографическая и этническая ситуация // История первобытного общества. Эпоха классообразования. М.: Наука, 1988. С.294-344.

¹³ Иллич-Свитыч В.М. Опыт сравнения ностратических языков.

¹⁴ Смирнов К.Ф., Кузьмина Е.Е. Ранние погребальные комплексы под Орском и проблема хронологического соотношения культуры эпохи бронзы Приуралья // Проблемы археологии Поволжья и Приуралья. Куйбышев, 1976.

¹⁵ Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948; Бернштам А.Н. Спорные вопросы истории кочевых народов в древности // КСИЭ. XXVI. М., 1957; Кузьмина Е.Е. О южных пределах распространения степных культур эпохи бронзы в Средней Азии // Памятники каменного и бронзового веков Евразии. М., 1963; Смирнов К.Ф. Проблема происхождения ранних сарматов // СА. М., 1957. №3, и др.

¹⁶ Смирнов К.Ф., Кузьмина Е.Е. Ранние погребальные комплексы под Орском и проблема хронологического соотношения культуры эпохи бронзы Приуралья // Проблемы археологии Поволжья и Приуралья.

эрон тиллари гуруҳида гаплашишган деган фикрдан йироқмиз. Андроново маданий-тарихий бирлиги ҳудудида кўплаб локал вариантилари бўлиб, улар турли этносларнинг вакиллари бўлишлари мумкин эди.

Кўплаб олимлар Ўрга Осиё ва Қозофистондаги қадимги сакларни андроново маданияти қабилаларининг тўғридан-тўғри авлодлари дейишади. Шунинг учун ҳам евроосиё материгининг чўл ҳудудларида милоддан аввал VII асрлардан буён яшаб келган кўчманчи қабилаларни “скиф-сибир маданий бирлиги” деб аташган ва унинг тарқалиш ареали ҳам “андроново маданий-тарихий бирлиги” тарқалган ҳудудга тўғри келади. “Скиф-сибир маданий бирлиги”га антик даври ёзма манбаларидан эслатилган саклар, массагетлар каби кўплаб кўчманчи чорвадор қабилалар кирган.

“Андроново маданий-тарихий бирлиги” комплексларидан сак даври комплексларига ўтиш даври шимолий ва жанубий Тагискен ҳамда Уйгарак ёдгорликларида яхши ўрганилган¹⁷. Шимолий ва жанубий Тагискен ёдгорликларини қазиш жараёнида М.А. Итина жуда ҳам яхши горизонтал стратиграфияни олишга муваффақ бўлди. Шимолий Тагискенда тўғри бурчакли фиштлардан кўтарилган ва ёғоч архитектураси билан уйғунашган мавзолейларни очган бўлса, худди шу мавзолейлардан андроново маданиятининг амиробод ва федорово босқичларига оид сопол идишлар мажмуаси топилди. М.А. Итина бу комплексларни милоддан аввалги X-VIII асрлар билан даврлаштиради¹⁸. Ва маданий томондан ёдгорликни андроново маданиятига оидлигини айтади. Бундай хулоса чиқаришга бир қатор археологик белгиларнинг борлиги сабаб бўлди. Бу белгилар қўйидагилардан иборат: 1) атрофи ўралган қабрларнинг борлиги; 2) ўликни куйдириш одатининг сақланганлиги; 3) конуссимон шакли исираларнинг ишлатилиши; 4) сопол буюмларининг айнан андроново маданиятига оидлигидир.

Андроново маданий-тарихий бирлигига оид қабристон юқорида таърифланган шимолий Тагискен қабристонидан топиб ўрганилган бўлса, ўша ёдгорликнинг шундоққина жанубий қисмида, ўртадаги жарликнинг нариги томонида илк саклар даврига оид қабристоннинг борлиги аниқланди. Демак, М.А. Итина бу ерда жуда ҳам яхши горизонтал стратиграфияни олишга муваффақ бўлган.

Жанубий Тагискендаги илк саклар даврига оид қабристоннинг шимолий Тагискендаги андроново маданиятига оид қабилаларнинг авлодлари эканлигини тасдиқлайдиган энг муҳим белги бу жанубда ҳам худ-

¹⁷ Итина М.А. Ранние саки Приаралья. Степная полоса Азиатской части СССР. М., 1992.

¹⁸ Там же. С.36.

ди шимолий Тагискендагидай бир хил қабрларнинг бўлишилигидир. Шу билан бирга жанубий Тагискендаги бир нечта қабрлардан ўша даврдаги шаҳарсозлик маданиятига хос ва милоддан аввалги VII-V асрларга оид цилиндро-конус шаклли идишлар топилдики, бу ёдгорликни аниқ даврини аниқлашга ёрдам берди.

Археологик материаллар орасида қадимги кўмиш маросимлари билан боғлиқ урф-одатлар борки, улар ўзларининг доимий эканлиги, асрлар ўтиши билан уларнинг ўзгармаслиги сабабли жуда ҳам муҳим этник белгилардан бири эканлигини таъкидламоқчимиз. Шунинг учун саклар даврига оид бир қатор ёдгорликларни кўриб чиқамиз.

Жанубий Тагискен ва Уйгаракда ўликни ер юзасига кўмишга ҳарарат қилишган. Ўликни қўйиш одати билан бирга ўликни куйдириш одати ҳам бўлган. Ўликни қўядиган бўлсалар унинг тагига қалин қилиб қамиш солиб орқаси билан ётқазишган. Ўликни бошини фарбга ёки жануби-фарбга томон йўналтиришган. Атрофи синч билан ўралиб қамиш билан бирга мустаҳкамлашган ва кейин лой тупроқ билан беркитиб кўмилган. Айнан шундай қабрларга, яъни ер юзасидаги қабрларга қабила аъзоларининг анча юқори поғоналарида турадиган ва ҳурматли-иззатли вакиллари қўйилган.

Жуда кўп йиллар мобайнида Зарафшон дарёси водийсида О.В. Обельченко қадимги мозор-қўргонларни қазиган ва бу ҳудудда тупроқча қўйиладиган қабрларнинг олтига типини аниқлаган: 1) овал шаклли қабрлар; 2) тўғри бурчакли қабрлар; 3) тўрт томонидан тўртта цилиндросимон чуқурлари бўлган қабрлар; 4) фарбий деворини олдига чуқур қазиб қўйилган қабрлар; 5) устига тошлар қўйиб кўмилган қабрлар; 6) қадимги ер юзасига қўйилган қабрлар.

Худди шу қабрларни очиш даврида Жанубий Тагискенда топилганидай бу ерда ҳам цилиндро-конус шаклидаги идишлар мажмуаси топилган ва бу идишлар ёдгорликни милоддан аввалги VII-V асрлар билан даврлаштиришга ёрдам берди¹⁹.

Ҳозирги пайтда Жанубий Қозогистондаги қазишмалар даврида ҳам саклар даврига оид бир қанча қабрлар топилдики, уларнинг шакли ва ундаги сополларининг тури жиҳатидан айнан Сүғд ҳудудларида гидай²⁰.

Ҳаммага маълумки, ўтган асрнинг охирларида Қозогистоннинг жануби-шарқий қисмида, Семиречье атрофларида сак подшоларининг қабр-қўргонлари топилган эди. Бу ҳудудларнинг қулай табиий шаро-

¹⁹ Обельченко О.В. Культура античного Согда. По археологическим данным VII в. до н.э., VII в н.э. М., 1992. С.21.

²⁰ Қозогистоннинг Чимкент вилоятида олиб борилаётган қазишмаларнинг натижалари ҳали матбуотда эълон қилинган эмас.

итлари, серўт ям-яшил далалари бу ерда чорвачиликни яхши ривожла- нишига қулай шароит яратиб берган. Шунинг учун бўлса керак, сакларнинг энг бой қабрлари ҳам шу ерлардан топилган. Семиречье саклари қабрларидан жуда ҳам яхши санъат асарлари даражасидаги кўплад заргарлик маҳсулотлари топилган. Улар олтинга ишлов беришда турли бадиий усусларни қўллашган.

Шу билан бирга Семиречье сакларининг мозорларини қуриш анъаналиари суғдларницидан ва Оролбўйи сакларидан фарқ қилган. Айниқса, Бесшатирдаги бой мозор-қўргонларининг қурилиш услублари характерлидир. Бу қўргонлар тошишагал ва тупроқ аралашмаларидан иборат. Ташки томонидан бир нечта қатламдан иборат йирик тошларни қалқон сифатида ўрашган. Бу қўргонларнинг баландлиги 15 метрдан ҳам баланд бўлган. Қўргонлар ташки томондан доира шаклида тикланган тош плиталар билан ўраб олинган.

Бу қўргонларни устидан тупроқ уюмлари билан беркитилгунига қадар қўргоннинг марказига кўмилган “қабила бошлиги турадиган уй”нинг имитациясини ясашган. Бунинг учун яқин 300 км наридан Тёншон тоғларида ўсадиган қарағайлардан олиб келишиб, ҳақиқий ёғочдан кўтарилиган уйларни тикашган. Лекин саклар аслида чорвадор аҳоли бўлганликлари учун ҳақиқий ёғоч уйларни қуриш технологияси- ни билишмаган. Шунинг учун қарағай ёғочларни бир-бирини устига қўйиб уйнинг бурчагида вертикал ҳолда тиккалаб қўйилган ёғочлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Яна бошқа қабрларда эса, ёғоч деворлар темирдан ясалган чангаклар билан мустаҳкамланган. “Уй”ни эшигини баландлиги 1,5 м бўлган, томини устидан ҳам бир нечта қават ёғочлардан ётқизишиб, устидан қалин қилиб қамиш билан ўрапган. Ёғочдан ясалган “уй” ўликтининг қариндош-урувларини келиб турли расм-русумларини ўтказиши учун кўп вақт мобайнида устидан тупроқ ёпилмай очиқ турган²¹.

Айрим пайтларда қўргоннинг марказида ер ости иншоотларини қуришган. Бу ер ости иншоотларининг шакли жуда мураккаб лабиринтлардан иборат бўлган. Мутахассисларнинг фикрига кўра саклар мотам маросимларини ўтказиши пайтида худди шу ер ости иншоотларида яшашган²².

Кўриниб турибдики, жануби-шарқий Қозоғистон сакларининг кўмиш маросими билан боғлиқ урф-одатлари Сўғд, Оролбўйи, Фаргона ва Помир сакларининг худди шундай кўмиш маросимларидан туб-

²¹ Акишев К.А. Курган Иссык. Искусство саков Казахстана. М.: Искусство, 1978.

²² Ставиский Б.Я., Яценко С.А. Искусство и культура древних иранцев. Великая степь, Иранское плато, Средняя и Центральная Азия. М., 2002. С.67; Акишев К.А. Курган Иссык. Искусство саков Казахстана.

дан фарқ қиласи. Шу билан бирга Иссик қўрғони қабрларидан бирида кумушдан ясалган идиш топилган бўлиб, унинг қўйи томонида ёзув бўлган (1-расм.) Қўрғондан топилган ёзув Иссик қўрғони каби ёдгорликларни қолдирган сакларнинг жамияти, турмушига ўхшайди²³. Бу ёдгорликни ўрганган олимларнинг фикрига кўра ёзув милоддан аввалигி II асрнинг 40-йилларига оид бўлиб, Амударё бўйларига юэжки қабилаларининг сикуви остида сакаравакларнинг келгани ва чап қирғоқдаги Ойхоним ўрнидаги юонлар қурган шаҳарни вайрон қилганликлари ҳамда бу ёзувни айнан руник ёзувлари эканлиги тўғрисида ёзишади. Улар ўзларининг фикрини саклар қолдирган ёзувдан ташқари юон ёзувида ҳам ёзилган кўплаб ёзувларнинг борлиги билан тасдиқлашади (2-расм).



1-расм. Иссик қўрғонидан топилган кумушдан ясалган идишга ёзилган ёзув.



2-расм. Ойхоним ёдгорлигидан топилган милоддан аввалиги II асрнинг ўрталарига оид ёзув.

Шундай қилиб, битта ҳудудда жуда кўп вақт мобайнида бир хил ёзувнинг бўлиши, унинг ёзилиш шаклларини ўзгармаслиги, шу ёзув-

²³ Rapin Cl. Fouilles d Aikhanoum VIII. La tresorerie du palais hellenistique d Aikhanoum. Lapogee et la chute du royaume grec de Bactriane. Paris. 1992. Pl. 66.

лар тарқалган ҳудудда ўша ёзувларни қолдирган этнос яшаганлигидан далолат беради. Энг муҳими ҳудди шу даврда лотин алифбосига асосланган ёзувнинг борлиги, арамей ёзувига асосланган ёзувнинг ҳам биргаликда учраши ўша давр жамиятини турли этнослардан ташкил топганигини кўрсатади.

А.Аманжолов ва А.Маҳмудовлар бир-бирларига алоқаси бўлмаган ҳолда Иссиқ қўргонидан топилган ёзувни, ҳар иккаласи ҳам “азук” деб ўқишиган. Уларнинг фикрича, ёзув руник ёзувини Урхун-Енисей вариантида, қадимги турк “олтой” тилларида ёзилганлигини айтишади²⁴.

Помир сакларининг кўмиш маросимлари юқорида кўриб чиқилган кўмиш маросимларидан мутлақо бошқача бўлган. Уларда чуқурлари 0,5 метрдан 1 метргача бўлган қабрларга ўлик она қорнида ётгандай қилиб ғужанак қилинган ҳолда чап ёки ўнг ёнбоши билан ётқизилган ҳолда қўйилган. Жуда камдан-кам ҳолларда орқаси билан ётқизилиб кўмилган²⁵.

Маълумки, ғужанак ҳолда кўмиш одати жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Бундай кўмиш одатлари айниқса, жанубий ҳудудлардаги сополли маданиятида ҳам тарқалганлигини кўрамиз²⁶.

Шу билан бирга Помирдаги сакларнинг кўмиш маросимларида кўпроқ мегаллитик анъаналар тараққий этган эди. Агарда Помирдаги бундай анъаналарни А.Н. Бренштам шимолий ҳудудларнинг кўмиш маросимларига ўхшатса²⁷, Б.А. Литвинский кўпроқ жануб ва жануби-шарқий ҳудудлардан қидиради. Унинг фикрига кўра мегаллитлар кўпроқ Жанубий ва камроқ Шимолий Ҳиндистонда тарқаган. Шу билан бирга ҳудди шундай мегаллитлар Цейлонда, Ассамда фарбий Бирмада ва Тибетнинг бошқа қисмларида учрашини айтади²⁸.

Шундай қилиб, Марказий Осиёning катта ҳудудларини эгаллаган саклар қадимги андроново маданий-тариҳий бирлигига кирувчи қабилаларнинг тўғридан-тўғри авлодлари ҳисобланади. Сакларнинг вужудга келишининг генезиси бронза даврининг охирларига тўғри келади. Ўтра Осиё ва Қозоғистондаги бронза даврининг охиридаги ёдгорликларни ўрганиш уларни ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди.

²⁴ Акишев К.А. Курган Иссык. Искусство саков Казахстана; Аманжолов А.С. Руно-подобная надпись из сакского захоронения близ Алма-Аты. // Вестник АН КазССР. 1971. №12. С.64-66.

²⁵ Литвинский Б.А. Древние кочевники “крыши мира”. М., 1972. С. 132-139.

²⁶ Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан (к проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана). Ташкент: Фан, 1983, табл. I-XXIV.

²⁷ Бернштам А.Н. Спорные вопросы истории кочевых народов в древности//КСИЭ, XXVI.

²⁸ Литвинский Б.А. Древние кочевники “крыши мира”. С. 135-139.

Турли ҳудудлардаги комплексларнинг бир-биридан фарқ қилишини саклар давридаги ёдгорликларда ҳам кўриш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси андроново маданий-тарихий бирлигидаги қабилалар ҳам, скиф-сак жамиияти қабилалари ҳам турли этник таркибдан иборат бўлганинги кўрсатади.

M. Исомиддинов

К ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ

Многолетними исследованиями археологов этнической истории народов Средней Азии, проводившимися на обширных пространствах центральной части Евразийского континента от Поволжья до Енисея, от Северного Казахстана до бассейна Амударьи на юге, установлены существенные отличия материальной культуры и посребальных обрядов этого региона. Они свидетельствуют о том, что так называемая сакская культура представляет собой археологические комплексы различных этносов I тысячелетия до н.э. Открытие древнейшего образца рунической надписи на городище Курган Иссык, а также богатый палеоантропологический материал подтверждают полизначительный состав населения Древней Азии середины I тысячелетия до н.э.

M. Isomiddinov

SOME ASPECTS OF THE ETHNIC HISTORY OF ASIAN PEOPLES

During many years archeologists conducted researches on the central part of Eurasia. There are a strong differences between material culture and funeral ceremonies of this region in early iron century, which prove that saks culture presents archeological complexes left by different ethnoses in I thousands years A.D. Discovery of the ancient example of runic script in Kurgan Issik and some anthropological material prove the polyethnic complement of ancient Asian people in I thousands years A.D.

M. Жўраев, М. Пирматова

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА “ЧОРВА ҲИСОБИ” ТАҚВИМИ

Дунёдаги кўплаб ҳалқларнинг турмуш тарзи ва тириклик манбайни белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири чорвачилик ҳисобланади. Чорвадорларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари, чўпонлар фольклори, мол боқиши билан боғлиқ ҳалқ қарашлари этнографик¹ ва фоль-

¹ Аргинбаев Х. Народные обычаи и поверья казахов, связанные со скотоводством // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М.: Наука, 1974. С.194-205; Гуляева Л.П. Пастушеская обрядность на р. Паше (традиции и современность) // Русский Север. Проблемы этнокультурной истории, этнографии, фольклористики. Л.: Наука,

клористик² нуқтаи назардан маълум даражада ўрганилган бўлса-да, чорвачиликда кенг қўлланилган анъанавий вақт ҳисоби амалларига доир материаллар алоҳида тўпланиб, тадқиқ этилмаган. Зоро, жониворларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш жараёни бошланган қадимги даврлардан эътиборан одамлар чорва молларини боқиши, кўпайтириш, яйловларни алмаштириш муддатларини белгилаш асносида аста-секинлик билан чорва тақвимини яратганлар. Шунинг учун ҳам барча туркий тишли халқлар маънавий маданиятида “чорва ҳисоби” тақвими жуда муҳим ўрин тутади³. Бу ҳисобнинг юзага келишида чорвачилик билан маросим ва урф-одатлар ҳам муҳим роль ўйнаган. Жумладан, “Хорда Авесто”да “Айатрима”, яъни “Чорвани отарларга қайтариш байрами” ўтказилганилиги ҳақида маълумотлар бор.⁴

“Чорва ҳисоби” ўзбек халқ тақвимининг ҳам қадими турларидан бири бўлиб, чўпонлар орасида фаол қўлланилган. Анъанавий халқ тақвимининг бу кўриниши ҳозирга қадар фольклористик ва тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганилган эмас. Фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг ёзишича, ўзбеклар ўзининг “меҳнат фаолиятида икки хил календардан фойдаланганлар. Бу календарлар кишиларнинг чорвачи-

1986. С.172-180; Криничная Н.А. О сакральной функции пастушеской трубы (по материалам северных пастушеских обрядов) // Русский Север. С.181-189; Фишман О.М. Связь пастушеской и свадебной обрядности у карелов // Русский Север. С.190-205; Сейтулова Ж.Б. Обычаи и обряды казахов, связанные с традиционным скотоводством: Автореф. дис.... канд. ист. наук. Алматы, 2002; Маншев Д.М. Способы и средства лечения скота у бурят (конец XIX – начало XX в.) // Сибирский этнографический вестник. 2003, №14 (hol@mail.Archeology.ru сайти бўйича); Бўриев О. Кўйчиллик удумлари // Ўзбек халқи боқий қадрияллари. Қарши, 2005, 40-50-бетлар; Саримсоқов А.А. Шимолий Фарғона қўнчоқларининг чорвачилик билан боғлиқ маросим ва урф-одатлари // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этнографик жараёнлар. 2-китоб. Тошкент, 2005.

² Ксенофонтов Г.В. Пастушеский быт и мифологические воззрения классического Востока. Иркутск, 1929; Журавлев А.Ф. Охранительные обряды, связанные с падежом скота и их географическое распространение//Славянский и балканский фольклор. Генезис, архаика, традиции. М.: Наука, 1978. С.71-94; Дзэндзелевский И.А. Запреты в практике карпатских овцеводов // Славянский и балканский фольклор. Этногенетическая общность и типологические параллели. М.: Наука, 1984. С.256-277; Камол Очил. Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар // Қалдирғочни қўндириган қўшиқ. Самарқанд: Зарафшон, 1992, 22-29-бетлар.

³ Күфтин Б.А. Календарь и первобытная астрономия киргиз-казацкого народа // Этнографическое обозрение. 1916. №3-4. С.123-150; Абишев Х. Элементы астрономии и погоды в устном народном творчестве казаков. Алма-Ата, 1949. С.10; Гаджиев Г.А. Структура народного календаря лезгин в XIX – нач. XX в. // Календарь и календарные обряды народов Дагестана. Махачкала, 1987. С.31; Фиельструп Ф.А. Из обрядовой жизни киргизов начала XX века. М.: Наука, 2002. С.210-211; Бельчибоев Е.А., Бурнаков В.А. Традиционный календарь Туба // Сибирский этнографический вестник. 2003. №12(13). С.110.

⁴ Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. Тошкент: Шарқ, 2001, 10-бет.

лик ҳамда дәхқончилик фаолиятининг амалга кириши ва тугалланиши билан бошқарилган. Демак, ўзбекларда икки хил йил ҳисоби бўлиб, улар қуидагича белгиланган. Дәхқон йили 22 мартаңдан бошлансан, чўпон йили 16 мартаңдан бошланган. Дарҳақиқат, 22 мартаңдан кейин Ўрта Осиё шароитида ер илиб, ўсимликларга амал киради. Чўпон йилининг 16 мартаңдан бошланниши ҳам ерга амал кириши ва ўт-ўланларнинг ўсиб чиқа бошлаши билан боғлиқ. Ана шу кундан бошлаб чорвадорлар ёзги яйловга кўчиш ишларини бошлаб юборадилар⁵.

Демак, ўзбек ҳалқ тақвимига кўра, асосан икки хил вақт ҳисоби амаллари фаол қўлланилган бўлиб, “чорва ҳисоби” календари бўйича меҳнат мавсуми “дәхқон ҳисоби”дан 10 кун олдин бошланади. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги Қалқон ота қишлоғида яшовчи Турсунмурод бува Аллабергановдан ёзиб олинган этнографик маълумотга кўра, “дәхқон ҳисобини ҳазрати Али эшадилар. Бу ҳисоб “чорва ҳисоби”дан ўн кун кейин келади. Чорва ҳисобини ҳазрати Усмон биладилар. Бу ҳисоб 10 кун олдин келади. Дәхқон ҳисоби мартаңнинг 18-20-кунидан киради. Ҳулкар ҳазрати Усмон ҳисобини белгиловчи юлдуз ҳисобланади. Одамлар ҳазрати Усмоннинг ҳузурига бориб: “Ҳулкар туғдими?” деб сўрашган. Ҳулкар ботса, кийиклар, алқарлар бир-бирига яқинлашадилар. Ноябрда Ҳулкар ботади, мартаңнинг 20-сигача улар туғадилар⁶. Хатирчи туманидаги Куччи қишлоғида қайд қилинган маълумотга кўра, чорва ҳисоби 5 мартаңдан бошланади⁷.

Чорвани кўкламги яйловга олиб чиқишга ҳозирлик кўриш ишлари Буҳоро вилоятининг Қоракўл, Олот, Жондор туманларида февраль ойининг ўрталарида, яъни “қантар оғгандан кейин бошланади. Қиши чилласи тугаб, ерга чўф тушганидан сўнг қорлар эриб, тушдан кейин ердан буғ кўтарила бошлайди. Шундан кейин қор кам ёғади, ёғсаям туриб қолмайди, тез эриб кетади. Шу даврни чўпонлар “қантар оғди” деб атайдилар.

Қозоқ этнографи X.Абишевнинг фикрича, “қантар” атамаси “куннинг қантарилиши”, яъни “кун қисқаришининг тўхташи” маъносини билдиради. Чуваш тилида эса туш вақти “қантар” дейилади⁸. Демак, “қантар” // “қангтар” атамалари қуёшнинг осмон гумбазидаги ҳаракатини муттасил кузатиш асосида келиб чиқкан тақвимий тушунчадир.

⁵ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент, 1986, 40-41 - бетлар.

⁶ М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 2004 йил.

⁷ М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 2004 йилда 74 яшар Жониқул бобо Қаландаровдан ёзиб олинган.

⁸ Абишев X. Аспан сири. Алматы, 1960, 251-252-бетлар.

“Қантар оғандан” кейин, яъни ер бетига иссиқ кўтарилиб, баҳор яқинлаша бошлиши билан чўпонлар қиши қўтонини тарқ этиб, яйловга кўчиш тараддудига тушадилар. Шунинг учун ҳам ўзбеклар орасида “чорва ҳисоби” тақвимининг бу муддати билан боғлиқ “Қантар оғди қалт этди, чўпоннинг кўзи ялт этди”, “Қантар оғиб қайтади, чўпон чолига (қўтонга) қайтади” каби халқ мақоллари мавжуд.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Қорақурсоқ қишлоғида яшаган билгич ҳисобдон Ҳазратқўл Муҳаммадқұловнинг тақвимий қарашлари бўйича, қиши тўқсонининг қирқ беш куни, чилланинг йигирма беш куни ўтса, “қантар оғади”. Булунғурликлар ҳисобига кўра, қантар январь ойининг 18-куни “оғади”. “Қантар оғди қалт этди, бойнинг кўзи ялт этди” мақоли ҳам бор. Декабрь ва январь ойларининг биринчи ярмигача ёққан қор ва чопқин бўрон чорвадорлар учун чинакам синов даврини бошлаб беради. Қаттиқ совуқ туфайли чорва моллари чўлда ем-хашак тополмайдилар. Натижада уларнинг изғирин зўридан нобуд бўлиш хавфи туғилади. Қантар оғиши билан эса об-ҳавода бирдан ўзгариш рўй беради ва қиши совуғи ҳам маълум даражада кесилади. Чорва молларининг кўплаб қирилиб кетиш хавфи йўқолади. Табиатдаги ана шу ўзгариш рўй берадиган муддатни чорвадорлар “қантар” номи билан атайдилар⁹.

Айрим ҳисобдонлар “қантар” атамасининг маъносини чорвачилик хўжалиги билан бошлаб изоҳлайдилар: қиши ўртасига келиб чорвадорлар томонидан қишилов учун тайёрланган ем-хашакнинг асосий қисми сарфланади. Шунда улар жониворларга озуқани тежаб-тергаб, меъёр билан бера бошлайдилар. Бу одат чорвадорлар тилида “чорвани қантариб қўйиш” дейилар экан. Қозоқ ва қирғиз халқ тақвимида “қантар” деган ой номи мавжуд бўлиб, 27-28 кунлик бу ой январнинг бошларига қадар давом этади. Чорвадорлар бу ойда жониворларнинг қишдан беталофат чиқиши учун тайёрланган ем-хашакни тежаб-тергаб ишлатади¹⁰.

Фикримизча, “қантар” тушунчаси қадимги аждодларимизнинг осмон ёритқичларини муттасил кузатишга асосланган қадимги астрономик қарашлари асосида келиб чиқсан бўлиб, куннинг қантарилиши, яъни қишида қисқаришдан тўхташ муддатини ифодалайди. Маълумки, кун чиқар тарафдан чиқсан қуёш осмоннинг ерга нисбатан жанубий ярим шари бўйлаб ҳаракатланади ва қибла томонга ботади. Кўёшнинг осмон

⁹ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв. №1830/1. 40-бет.

¹⁰ Куфтин Б.А. Календарь и первобытная астрономия киргиз-казацкого народа // Этнографическое обозрение. 1916. №3-4. С.128.

гумбазидаги энг баланд нуқтага кўтарилиган вақти ёз фаслига, аниқроғи, 22 июнга тўғри келади. Унинг ерга энг яқин келиши, яъни энг паст нуқтада бўлиши эса 22 декабрда рўй беради. Ўша нуқта қуёшнинг горизонтга энг яқин келган ҳолати ҳисобланади. Бу қуёшнинг осмон бўйлаб ҳаракатланадиган йўлидаги энг қўйи нуқтаси бўлиб, уфқа бундан яқин даражада пасаймайди. Ана шу табиий ҳодиса “куёшнинг қантарилиши” деб ҳам юритилган. Куёш билан уфқ орасидаги масофа максимал даражада қисқарган ана шу даврда кундузнинг қисқариши ва туннинг узайиши жараёни ҳам юқори нуқтага етади. “Қантар” билан боғлиқ халқ қарашлари аждодларимизнинг ушбу фалакий ҳодисаларни узоқ йиллар давомида кузатиши натижасида келиб чиқкан.

Лақай чўпонлари тақвимида қишининг охир - эрта баҳор мавсуми “қора қылтинг” ёки “қора галтсанг” деб аталган. Одатда, қирқ кун давом этадиган бу муддатнинг бошланиши она қўйлар елинининг сутга тўлишига қараб аниқланган ва то тўл бошлангунига қадар давом этган. “Қора қылтинг” бошланиши билан лақайлар чорвани қишки қўтондан чиқарип, яловда боқа бошлашган¹¹.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғидан ёзib олинган этнографик маълумотларга кўра, эрта баҳорда қўйларни сурувга қўшишнинг ҳам ирими бўлган. Фольклоршунос У.Жуманазаров томонидан 1981 йилда ёзib олинган маълумотга кўра, “баҳор пайтида қўйни дастлаб чўпонга қўшиш пайтида қўчкор ёки серка шохига бир тарвузни уриб ёриб: “Илоҳим, бу йил қўйларимиз тарвузнинг тухумидай кўпайиб, баракали бўлсин деб яхши ният қиласилар ва “Қуръон” оятларини ўқиидилар”¹².

Чорванинг қишки қўтондаги қишлоғ мавсумини яқунлаб, баҳорги мавсумни бошлашда қатор ирим-сиримларга амал қилгандар. Хусусан, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Катта Баёт қишлоғида яшовчи 80 яшар чўпон Зиёд бобо Олтиевдан ёзib олинган маълумотларга кўра, эрта баҳорда чўпонлар сурувни яловга олиб чиқишидан олдин қўтон-чолисининг олдига катта олов – гулхан ёкишган. Эрта тонгда қўйларни қўтондан олиб чиқиб, ана шу олов атрофида айлантириб, чўпон таёғини ҳам шу ловиллаб ёнаётган олов тилига тегизиб, уч марта “ялатиб” олганлар. Бу удум “таёқ қизартирап” дейилган. Шундай қилинса, йил бўйи сурувга ҳеч қандай зиён-захмат етмайди деб ўйла-

¹¹ Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Сталинабад, 1954. С.110.

¹² ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв.№1760/1. 1981 йилда Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи 1926 йилда туғилган Остон Жўраевдан ёзib олинган.

ғанлар.¹³ Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Бандбоши қишлоғида яшовчи 67 яшар Бобораҳмат Жумаевнинг айтишича, “қўйлар ҳут ойида яйловга олиб чиқилади ва қишида янтоқ яхлаганидан сўнг қишки қишлоғга қайтариб олиб келинади”¹⁴.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида сурувни баҳорда биринчи марта яйловга чиқарганда қўйларнинг қий-қумалоғини олиб яйловга сепиб юборадилар. “Қўй-қўзилар, эчки-улоқлар ана шу қумалоқдай кўпайиб кетсин” деб ирим қиладилар¹⁵.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Паданг қишлоғида қайд қилинган анъанага кўра, сурувни баҳорда биринчи марта яйловга чиқаришдан олдин муллани чақириб, қўй сўйилади ва чорвадорлар пири “Чўпон ота”нинг ҳақига дуо ўқилади. Эргаси куни чўпон ҳамқишлоқларининг фотиҳасини олади-да, битта нонни синдириб белига бойлаб, қўйларни яйловга ҳайдаб кетади.

Чўпонлар чорва йили мобайнida отарда касаллик пайдо бўлса ёки бирорта қўй-эчки касалга чалинса маълум магик амалларни бажаришган. Дейлик, “чорва молларида ўлат касали бўлса эшонларга назр бериш, ёмон кўзлардан асраш учун молларнинг бўйнига, шохига тумор тақиши, талоқ касали билан оғриган моллардан бирининг тўрт оғенини юқори қилиб, йўл ёқасига тириклий кўмиш каби магик характердаги иримсиримларни бажариш одат тусига кириб қолган”¹⁶. Қашқадарёлик чўпонлар эса қўй отарларида касаллик ёки ўлат пайдо бўлса, сурувни “Чўпон ота” деган “бузруквор”нинг қадамжосига олиб бориб уч марта айлантирганлар.¹⁷ Навбаҳор туманидаги Учтут қишлоғидаги “Учтут” қабристонида “Ойимбуви” деган муқаддас мозор бор. Агар одамларнинг қўйлари ёки моллари касалга чалинса, молига бирор қасд қилган бўлса ана шу мозорни айлантириб, мол сўйиб худойи қилишади.¹⁸

Чорвани касалликлардан ва зиён-заҳматдан асраш учун ёки моллар касал бўлиб қолса, чоррача йўлга чиқиб тўрт томондан чўпчак териб исириқ тутатганлар. Бу “чўпчак чоррача” деб юритилган. Агар сигир болалаган бўлса, уни ёмон кўздан асраш учун саримсоқ, туз, жигда-

¹³ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв.№1827/24. 2005 йил 13 августда М.Пирматова ёзиб олган.

¹⁴ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв. № 1827/24. 2005 йил 20 августда М.Пирматова ёзиб олган.

¹⁵ М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 2004 йилда Феруза Музаффаровадан ёзиб олинган .

¹⁶ Камол Очил. Қалдирғочни қўндириган кўшиқ. Самарқанд: Зарафшон, 1992, 22-бет.

¹⁷ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв.№1753/15.

¹⁸ М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 1991 йилда Навбаҳор туманидаги Учтут қишлоғида яшовчи Зулфия Шодиевадан ёзиб олинган.

нинг чўпи, итнинг оқ тезагидан тумор тикиб унинг шохи олдига илдириб қўйилади.¹⁹

Шимолий Фарғона қишлоқларида “сурувни ёзги қароргоҳга ҳайдаш вақтида ёвуз кучлардан, ёмон кўзлардан сақлаш мақсадида чўпонлардан бири қўлида гулхан ушлаган ҳолда сурувни айланниб чиқкан ва қўйларга исириқ соглан. Ҳар йили яйловга кетишдан ва яйловдан қайтишдан олдин чорва ҳомийлари – Чўпон ота (қўйчилик ҳомийси), Чечан ота (эчкичилик ҳомийси) ва Занги ота (қорамол ҳомийси) га бағишилаб қўрбонлик қилинган”.²⁰

Чорвадорлар ўз отарларини офатдан сақлашга алоҳида эътибор берганлар. Халқ орасида “чорва чорвага қирқ йилда етади” деган нақл ҳам яратилган.²¹ Бунга кўра чорва моллари бўрондан, очликдан ёки касалликдан қирилиб кетса, уни тиклаш учун кўп йил вақт талаб қилинади.

Қўйларни яйловга олиб чиқиладиган хосиятли кунни ҳисобдонлардан сўраб аниқлайдилар. Чунки чорва ҳисобини билмаган кишилар молларини чўлга ҳайдаб, яйловга чиққанлар ва натижада аямажуз, тўғал, аҳман-даҳман каби кунлар келиб қолиб бемаҳал яйловга чиқарилган чорваларидан айрилиб қолган. Тажрибали чўпон ана шу кунларни ўтказиб, кейин яйловга чиқиб кетиши керак бўлган. Бойсун туманидаги Кўктепа маҳалласида истиқомат қилувчи 1912 йилда туғилган Холиқ бува Раҳмоновнинг айтишича, чўпонлар чоршанба ва пайшанбани ирим кўрмайдилар. Жумани улуғ кун деб биладилар.²² Шунинг учун ҳам “чорва ҳисоби”ни биладиган кишилар қўтон бузиш муддатини кўпинча чоршанба кунига белгилаганлар. Чунки чоршанбани баракали кун деб билишган.²³

Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги “Гулистон” жамоа хўжалигига қарапшли Эски маҳалла қишлоғида яшовчи 1926 йилда туғилган Исмат ота Раҳмонқулов деган чўпондан ёзib олинган маълумотларга кўра, “чорва ҳисоби” 10 марта, яъни аямажуз, аҳман-даҳман,

¹⁹ М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 1991 йилда Навбаҳор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигига яшовчи Маърифат Ўразовдан ёзib олинган.

²⁰ Саримсоқов А.А. Шимолий Фарғона қишлоқларининг чорвачилик билан боғлиқ маросим ва урф-одатлари // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этнографик жараёнлар. 2-китоб. Тошкент, 2005, 138-бет.

²¹ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв.№1830/1. 19-бет.

²² Жўраев М. Бойсун халқ тақвимига доир материаллар // Бойсун тарихи ва анъаналии. Бойсун илмий экспедицияси тўплами. 2-сон. Тошкент, 2005, 108-бет.

²³ М. Жўраевнинг дала ёзувлари. 2004 йилда Бойсун туманидаги Паданг қишлоғида яшовчи 1936 йилда туғилган Хадича Маматқуловдан ёзib олинган.

хезим-хирмон кунлари ўтгандан кейин бошланади. “Чорва ҳисоби”нинг боши “Кўтон бузиш” деб аталади. Бу баҳорда тоққа, яйловга кўчиш деган маъниони англатган. Кекса чўпонлар “Эрта баҳорда йилқилар бир-иккита қуулунлагандан кейин чўрчикал деган қуш келади” дейдилар. Чўрчикал – бургутдан катта, бошининг тепасида озроқ жойи патсиз бўлган бир қушнинг номи. Чўпонлар бу қушни “ҳисобчўт” дейишади. Улар бу қушни кўргач, “чўрчикал келди, энди қўтонларни бузиб, яйловга чиқаверса бўлади. Бундан кейин қор, ёмғир, аёзли кунлар хавф солмайди” дейдилар. Чунки бу қуш келган вақтда ернинг иссифи бетига кўтарилиганини учун ёққан қор кўп турмай, эриб кетади”.²⁴

Шимолий Фарғона чўпонлари эрта баҳорда “наврӯз чумчук” деб аталувчи қушнинг учиб келиш вақтига ва унинг рангига эътибор беришган: агар у оқ рангли бўлса, ёғингарчилик кам бўлади, сариқ тусли бўлса, ёмғир кўп ёғади деб таъбир қилишган.²⁵

“Чорва ҳисоби”ни билиш сурхондарёлик чўпонлар учун жуда катта амалий аҳамият касб этган. Чунки “чорва ҳисоби”ни яхши билган ва унга тўла амал қилган чўпон сурувни хатардан ҳоли сақлай олган. Бу ҳисобни билмайдиган тажрибасиз чўпонлар эса баҳорга беталофат чиқа олмаганлар. Улар эрта баҳорда озгина кун исиб кетса, буни кўклам келганининг аломати деб ўйлаб сурувни яйловга чиқаришган ва кейин ҳаво бузилгач, катта талофат кўришган. Шунинг учун ҳам тажрибали чўпонлар бу кунларни ўтказиб чорвани яйловга олиб чиқиши керак дейдилар. Воҳада қайд қилинган бир афсонада айтилишича, бир ҳисобдон “Бугун кечқурун Амударё музлайди, от, тия билан нариги томонга ўтса бўлади”, - дебди. Одамлар унинг гапига ишонмайдилар. Аммо айтганидай, ўша кечаси ҳаво совиб, Амударё музлаган ва чорвадорлар нариги томонга ўтиб кетишган.

1945-1946 йилларда Турдиқул бобо деган ҳисобдон ҳамқишлоқла-рига қараб: “Бугун кечаси Азизмомо киради, ҳар эҳтимолга қарши ҳайдовда юрган йилқиларнинг қорнини тўйдириб, тушовланглар-да, бир жойга боғлаб қўйинглар”, - дебди. Ўзи йилқиларини айтганидай қилиб боғлабди. Кўп одамлар унинг бу сўзига эътибор бермай, “Ҳеч нарса бўлмайди” деб от, бияларини яйловга ҳайдаб юборибдилар. Эртаси куни қарасаларки, бўш юрган йилқиларнинг бари ўлиб ётар, тушовлаб боғлаб қўйилган отлар эса тирик эмиш. Ана шунда ҳамма ҳисобдон

²⁴ М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 1986 йил 8 ноябрда ёзил олинган.

²⁵ Саримсоқов А.А. Шимолий Фарғона қипчоқларининг чорвачилик билан боғлиқ маросим ва урф-одатлари // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этнографик жараёнлар. 2-китоб. Тошкент, 2005, 137-138-бетлар.

Турдиқул бобонинг билгичлигига тан берган экан.²⁶

Яйловда ўтлаётган сурувнинг ўртасидан бўлиб ўтиш гуноҳ саналганлиги учун мабодо, бирор киши тасодифан сурув орасидан ўтиб қолса, уч марта бирдан еттигача бўлган сонларни санаши керак дейдилар. Шундай қилинса, сурувдаги қўйлар бўлиниб кетмас экан. Эрта баҳорда қўтон бузиш маросимида яйловга чиқарилаётган қўйлар отарининг орасидан ўтиш, яъни сурувни бўлиб ўтиш ҳам гуноҳ ҳисобланган.

“Чорва ҳисоби” бўйича энг масъулиятли давр “кўчкор қўшиши” мавсуми ҳисобланган. Этнограф олима Б.Х. Кармишеванинг ёзишича, лақай чўпонлари эрта тонгда уфқ узра Ҳулкар юлдузлари кўринишини ёз фасли тугаб, куз фасли яқинлашганинг белгиси деб билишган. Тарози ва Жарқировуқ юлдузларининг кўриниши эса куз бошланганинг аломати деб қаралган. Жарқировуқ, яъни Сириус юлдузи (тожик тилида бу юлдуз “Ситораи Хунук” деб аталади) чиққандан сўнг ер юмшайди ва яна ўт-ўланлар ўса бошлайди. Ана шу даврни лақай чорвадорлари “кўчкор қўшиши вақти” дейдилар.²⁷

Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи араблар орасида қўлланилган “чорва ҳисоби” бўйича ақраб ойининг саккизинчи кунидан бошлаб қўйларга кўчкор қўшишган. Ҳамалнинг саккизинчи кунидан эса тўл олиш бошланган.²⁸ Шу вилоятнинг Қоракўл туманидаги Бандбоши қишлоғидаги чўпонлар ақрабнинг 20-чисида қўйларни кўчкорга қўшишган. Кўзилатиш мавсуми эса ҳамалнинг 20-чисидан бошланган.²⁹ Навбаҳор тумани Қалқон ота қишлоғида яшовчи Турсунмурод ота Аллаберганинг айтишича, қадимда чўпонлар Ҳулкар ботгандан кейин сурувига кўчкор қўшишган.³⁰ Тошкент вилоятининг Пискент тумани чўпонлари октябрнинг 10-16-кунларида бир ой боқилган кўчкорларни қўйга қўшишган. Ана шунда улар беш ойу беш кунда туғар экан.³¹ Бойсунлик чўпонлар ҳам қўйнинг кўпайиши муддатини беш ой, беш кун, беш соат деб ҳисоблашади. Шу вақтда қўй боласини ерга бериши керак. У ерда октябрнинг ўнида қўйни кўчкорга қўйган чўпон мартнинг йигирмасида тўлини олади.³²

²⁶ М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 2004 йилда Қизириқ туманидаги Работак қишлоғида яшовчи Шерзод Турдикуловдан ёзib олинган.

²⁷ Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. С.107.

²⁸ Винников И.Н. Словарь диалекта бухарских арабов. М.; Л., 1962. С.220.

²⁹ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв.№1827/24. Ёзib олуви M.Пирматова.

³⁰ М.Жўраевнинг дала ёзувларий. 2004 йил.

³¹ М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 1986 йил 8 ноябрда “Гулистон” жамоа хўжалигига қарашли Эски маҳалла қишлоғида яшовчи 1926 йилда туғилган Исмат ота Раҳмонкуловдан ёзib олинган.

³² Жўраев М. Бойсун халқ тақвимига доир материаллар // Бойсун тарихи ва анъаналири. Бойсун илмий экспедицияси тўплами. 2-сон. Тошкент, 2005, 108-бет.

Қўйларни қўчқорга қўшаётганда ҳам қут-барака, серҳосиллик фояси билан боғлиқ магик амаллар бажарилган. Қоракўл туманидаги Осиё қишилиғида яшовчи 1926 йилда туғилган Саттор бобо Аҳмедовнинг айтишича, қўчқор қўшишдан аввал чўпонлар қўй сўйиб, Чўпон ота ҳақига худойи қилишган. Қўй каллаларини тўплаб оловда куйдиргандар, сурувга исириқ тутатиб, теварагидан айлантиргандар. Кейин битта пишган тарвузни олиб, сурувга қўшиладиган энг зўр қўчқорнинг шохига уриб ёришган. Бу билан “Қўйларимиз тарвуз тухумидай кўпайсин” деб ирим қилишган.³³

Чўпонларнинг “тўл вақти”даги удумлари ҳам ўзига хос. Тўл вақтида кўп совлиқлар бир кечада ўнлаб, юзлаб қўзиласа, чўпонлар шошиб қолиб қўзиларни бир жойга қўйса, ҳиди бир-бирига уриб қолади. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги Телпакчиқар қишилиғида яшовчи Жўрабой Тошматовдан 1957 йилда Музайяна Алавия ёзib олган маълумотга кўра, чўпон қўзичноқнинг онасини таниб шу совлиқнинг боласи, деб қўзини унинг остига ташлаб, шундай дейди:

Ўзинг келиб ётибсан, фурай, фурай,
Чаранага ботибсан фурай, фурай,
Кўзинг олиб қўйга бор, фурай, фурай,
Ўтлари кўп жойга бор, фурай, фурай.

Кўзинг олиб яйраб кел, фурай, фурай,
Кўй олдида маъраб кел, фурай, фурай,
Маъраб келсанг ярашар, фурай, фурай,
Халойиклар қарашар, фурай, фурай³⁴.

“Чорва ҳисоби”нинг энг масъулиятли даврларидан бири ёз фасли ҳисобланган. Этнограф Х.Тошевнинг ёзишича, Зарафшон воҳаси чўпонларининг ёзги яйловда қўй боқиш муддати майнинг охиридан августнинг бошигача давом этган. Бу даврда сурув эрта тонгдан тушга қадар ўтлатилган ва иссиқ тушгач, сувлоққа ҳайдаб борилган. Шундан кейин сурувни яна яйловга ёйишган ва қуёш ботгунигача боқилган. Куннинг энг иссиқ пайтидаги боқув вақти чўпонлар тилида “гарм” деб юритилган.³⁵

³³ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. И nv. №1827/24. 2005 йил 20 августьда М.Пирматова ёзib олган.

³⁴ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. И nv. №3795.

³⁵ Тошев Х. Традиционное животноводство узбеков Среднего Зарафшана // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. Ташкент: Фан, 1972. С.63.

Қоракўл туманидаги Жифачи, Тангачар, Қулончи, Вахм қишлоқларининг чўпонлари ёзниг энг иссиқ даврини “*томус*”, “*тошқизар*” дейдилар.³⁶ Бухоро араблари тақвимида жавзонинг ўртасидан сумбуланинг ярмигача бўлган муддат “*таммуз*” деб аталган. Таммузда чўпонлар қўйларини қўрага қамамасдан, туни билан боқиб чиқишган. Сурув ўтлашдан тўхтаб ётганида чўпон битта узун арқонни олиб, бир учини қўйларидан биттасига боғлаган, иккинчи тарафини эса ўзининг оёғига тугиб қўйиб, бемалол ухлайверган. Сурув қўзғалиб, ўтлагани кетаёттанини ана шу ипнинг тортилганидан билган чўпон ҳам уйқудан уйғониб қўйларининг изидан борган. Тажрибали чўпонлар “*Таммузда қўйни бир кеча ўтда қўйсанг, уч кеча сувда қўй*” деб нақл қиласидар. Чунки ёзниг иссифида сувдан қониб ичмаган қўйларни қишида бит босади дейдилар.³⁷

Чўпонлар қўйларни ҳар куни икки маротаба—тонгда ва кун ботишдан аввал санаганлар. Бунинг учун чўпон бир қўлига ўн-ўн бешта қий олиб, қўйларини чўлиқларига ҳайдаттган. Ҳар 50 қўйни санаганда ўнг қўлидаги қийлардан биттасини чап қўлига олаверган. Шундай қилиб, чап қўлидаги қийлар сонига қараб сурув ҳисобини олишган.³⁸

Чорвани кузда ёзги яйловдан қиши қўтонига қайтариб олиб келишда ҳам маълум урф-одатларга, иримларга амал қилгандар. Ўзбекистоннинг кўпгина жойларида кузда қўйлар суруви қишлоғга қайтарилаётганда иккни жойга катта олов ёқиб, отарни ана шу гулхан орасидан ўтказгандар.³⁹ Олов орасидан ўтказиш удуми ўт воситасида поклаш ритуалларининг таъсирида келиб чиқдан.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ тақвимининг қадимий ва анъанавий турларидан бири ҳисобланган “чорва ҳисоби” ўз ичига чорвани эрта баҳорда биринчи марта яйловга олиб чиқиш, “қўтон бузиш”, тўл олиш, яйлов алмаштириш, “қирқим”, яъни қўйларнинг жунини олиш, кўчкор қўшиш, кузда яйловдан (тоғ ва тоғ олди туманларида) тушиш, қишлоғга қайтиш каби муддатларни ўз ичига олади.

³⁶ М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 2003 йил.

³⁷ Винников И.Н. Словарь диалекта бухарских арабов. С.220.

³⁸ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв.№1827/24. Ёзib олувчи М.Пирматова.

³⁹ Шаниязов К.Ш. Кэтнической истории узбекского народа. Ташкент: Фан, 1974. С. 230-231; Саримсоқов А.А. Кўрсатнинг мақола. 138-бет.

M.Жураев, M.Пирматова

**ОБЫЧАИ УЗБЕКОВ, СВЯЗАННЫЕ СО СКОТОВОДСТВОМ И
СКОТОВОДЧЕСКИМ КАЛЕНДАРЕМ**

В статье прослеживаются узбекские обычаи, традиции, сформированные в результате занятия скотоводством - одного из основных видов труда, его влияние на духовную жизнь народов, фольклор и культуру человека. Наряду с этим показано, как на основе наблюдений скотоводов определялись сроки смены паства, что позволило создать свой скотоводческий календарь.

M.Djuraev, M.Pirmatova

**THE UZBEK TRADITIONS CONNECTED WITH CATTLE – BREEDING AND
CATTLE – BREEDING CALENDAR**

Cattle – breeding is one of the main kinds of labour. It is the source of life for many peoples. People had been dealing with the cattle – breeding during many years and on the base of their observations they could establish the terms of pasture changes, create their own cattle – breeding calendar. The cattle breeding was reflected on the spiritual life of these peoples and it can be observed in their traditions, customs, folklore and culture.

У. Абдуллаев

**ФАРФОНА ВОДИЙСИДАГИ ЭТНОСЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН**

Маълумки, жаҳондаги барча этнослар бошқа этник гурӯҳлар билан алоқага киришмасдан ривожланмаган. Ҳар бир этнос ўз тарихий тараққиёти давомида албаттга ён-атрофидаги, қолаверса, бошқа ҳудудда истиқомат қиласетган халқлар билан иқтисодий – савдо ва маданий алоқаларга киришгандар.

Этнослараро бундай муносабатлар муайян бир этномаданий мұхиттіңда, ёнма-ён яшаётган турли этник бирликларга мансуб халқлар ўтарасыда қызғын юз беради.

Фарғона водийсі ҳам қадимдан мана шундай этномулоқот ҳудуди ҳисобланади. Ёзма манбалардан аён бўладики, қадимги Фарғона ва унга туташ ҳудудларда “сак”, “эгли”, “парикан”, “обий скифлари” ёки “апасиаклар” (“сув скифлари”), “усун” (“уйшун”) каби этнонимлар билан

юритилувчи халқлар истиқомат қилғанлар¹. Қадимги Фарғона аҳолиси-нинг бундай полиэтник таркиби қадимдан бу жойда этнослараро алоқаларни қизғин кечишини таъминлаган.

XIX-XX аср бошларига келиб ҳам водий аҳолиси ўзининг полиэтник хусусиятини сақлаб қолган, турли ҳўжалик-маданий типга мансуб халқлар ўртасида асрлар давомида тараққий этиб келаётган алоқалар анча жадаллашган эди. Бу даврда Фарғона водийси ҳудудида ўзбеклар, тоҷиклар ва қирғизлар билан бирга тарихнинг тури босқичларида келиб жойлашган қорақалпоқлар, уйғурлар, руслар, украинлар, татарлар, лўлилар, Ўрта Осиё жуҳидлари ва сон жиҳатидан унча кўп бўлмаган бошқа халқлар ҳам истиқомат қиласар эдилар².

Шуни таъкидлаш ўринлики, XIX аср бошларига қадар ўзбек ва қирғиз каби маҳаллий халқларда консолидация жараёни ниҳоясига етмаган эди. Шу боис, улар таркибига бирикаётган бир қатор этнографик гуруҳлар (субэтнослар) ҳали ўзлари учун анъанавий бўлган этник жиҳатларини (чунончи, этнонимини, ҳўжалик ва маданиятидаги ўзига хослиликни) сақлаб қолаётган ва ушбу хусусиятлари билан ён-атрофдаги бошқа этнослардан фарқланиб турар эдилар. Турк, қипчоқ, қурама, юз, минг, найман каби этносларни ушбу даврда водий шароитида этник хусусиятларини нисбатан яхши сақлаб қолаётган субэтнослар сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ёнма-ён ёки аралаш яшаб келган мазкур этник жамоалар ўртасида-ги алоқалар турмушнинг барча соҳаларида юз берган.

Деҳқончилик билан қадим даврлардан бошлиб шуғулланган ва бу борада бой тажрибага эга бўлган ўтроқ ўзбек, тоҷик ва уйғурлар фарғоналик қирғиз, қипчоқ, қурама, турк, юз ва қорақалпоқ каби чорвадор халқларнинг ўтроқлашуви ҳамда деҳқончиликка ўтишларида катта таъсир кўрсатганлар. Азалий чорвадор аҳоли деҳқончилик билан шуғуланишга ўтар эканлар, ўтроқ деҳқон аҳоли таъсирида ўзлари учун одатий бўлмаган экин турларини, чунончи, шоли, пахта ҳамда ҳар хил полиз экинларини етиштиришни ўзлаштириб олганлар. Бунда улар ўтроқ деҳқон аҳоли томонидан кашф қилинган экин экиш ва уни парваришлаш билан боғлиқ кўплаб агротехника сирларини ҳам ўргангандишишади.

¹ Қаранг: Бернштам А.Н. Древняя Фергана (научно-популярный очерк). Ташкент, 1951; Литвинский Б.А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы // История и культура народов Средней Азии. М., 1976; Горбунова Н.Г. Фергана по сведениям античных авторов // ИКНСА. М., 1976. С.26-30

² Қаранг: Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX-начале XXв. (по данным топономии). Ташкент, 1983; Ўша муаллиф. Население Ферганской долины в конце XIX-начале XX в. (Этнокультурные процессы). Ташкент, 1991.

лар. Бу ҳудудда яшаб турган чорвадор аҳоли ҳам ўз ўрнида водийлик турғун ҳалқларни чорвачилик хўжалигининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатгандар. Фарғоналик қирғиз, қипчоқ, турк, қурама, юз ва қорақалпоқлар билан ўтроқ ўзбек, тоҷик ва уйғурларнинг чорвачилик соҳасидаги ўзаро муносабатлари, аниқроғи чорвадор этник жамоаларнинг бу борада кўрсатаётган таъсири чорвани боқиш, унинг сонини кўпайтириш, наслдорлигини яхшилаш ҳамда чорва маҳсулотларини қайта ишлашда намоён бўлади³.

Турли этник гуруҳлар ўргасидаги савдо-сотиқ алоқалари ҳам этнослараро муносабатларнинг қарор топиб, ривожланиб боришида катта аҳамият касб этган.

XIX-XX аср бошларида Фарғона водийиси аҳолисининг савдо-иктисадий муносабатлари ички савдо алоқалари ҳисобига анча кенгайган эди. Мазкур ҳудудда жойлашган барча этник гуруҳлар бу даврда водий ҳудудидаги савдо муносабатларида ўzlари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан қатнашаётган эдилар. Табиийки, улар томонидан бозорга олиб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзларининг турмуш тарзи ва хўжаликларининг йўналишига тўла мос тушар эди. Чунончи, агар водийнинг қирғиз, қипчоқ, турк, юз, қурама каби аҳолиси бозорга чорва молларини ҳамда тери, жун ва улардан тайёрланган арқон, қоп, кигиз, гилам, бир неча хилдаги тайёр кийим-бош ва бошқа уй-рӯзғор буюмларни олиб чиқсалар, қорақалпоқлар қамишдан тайёрланган бўйра, турли кўриниш ва ҳажмдаги саватларни олиб чиқканлар. Ушбу этник жамоалар водий бозорларидан маҳаллий деҳқонлар томонидан етиширилган дон маҳсулотларидан ташқари, ўзбек ва тоҷик ҳунармандлари тайёрлаган ип-газлама матоларни, уй-рӯзғор буюмларини ҳамда баъзи турдаги кийим-бош ва озиқ-овқат маҳсулотларни харид қилгандар⁴.

Фарғона бозорларидағи савдо муносабатларида, жумладан, ўзбеклар билан бўладиган савдо алоқаларида тоҷик, уйғур, татар, рус, арман, жуҳид каби ҳалқларнинг вакиллари ҳам фаол қатнашганлар. Айниқса, водий аҳолиси орасидаги савдо алоқаларини мустаҳкамланиб боришида татарларнинг роли катта бўлган.

XIX-XX аср бошларида водий ҳудудида кечётган этнослараро жарайёнлар моддий маданиятда янада ёрқин намоён бўлган.

³ Абдуллаев В. Фарғона водийиси ҳалқларининг хўжалик фаолияти соҳасидаги ўзаро муносабатлари тарихидан // Ўзбекистон тарихи. 2002 4-сон. 48-54-бетлар.

⁴ Рассудова Р.Я. Земледельческое хозяйство и местные рынки Ферганы XIX в. // Бартольдовские чтения 1976. Год третий. Доклады и сообщения. М., 1976. С.69.

Хусусан, водийнинг қирғиз, қорақалпоқ, қипчоқ, қурама, турк, юз каби этник жамоаларида “кўчмас”, “доимий” турдаги уй-жойлар ўтроқ ўзбек ва тоҷик аҳоли билан бўлган хўжалик-маданий алоқалар натижасида вужудга келган. Ўтроқ аҳолига хос турдаги уй-жойларни тиклаган қирғиз, қорақалпоқ, қипчоқ, қурама, турк, юз каби ярим ўтроқ аҳоли унинг ички қисмини ҳам айнан ўтроқ ўзбек ва тоҷиклар каби жиҳозлашни ўргангандар.

Маълумки, ҳар бир халқнинг анъанавий кийимлари, шубҳасиз, турли тарихий тараққиёт босқичларида ушбу халқнинг ижтимоий-иқтисадий ҳолатини кўрсатиб бериш билан бирга, бошқа халқлар билан қай даражада этномаданий алоқада бўлгандигини ҳам акс эттиради.

Ўзбек, тоҷик, қирғиз, уйғур, қорақалпоқ ва бошқа этник жамоаларининг анъанавий кийимларига доир мавжуд манбаларни ҳамда тўплангандаги дала материалларни ўрганиш, таҳлил этишдан кўринадики, XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси халқларининг кийимларига этник ўзига хослилик хусусияти ёрқин акс этади. Бундай этник хусусият, албатта, ушбу этносларнинг тарихан таркиб топган турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятининг йўналиши билан изоҳланади. Бошқача айтганда, ҳар бир этник жамоанинг хўжалик йўналишининг характери миллий кийимларини ҳам шаклланишида асосий омил бўлди. Чунки, агар бу даврда ўтроқ деҳқон аҳоли асосан пахта ипидан мато тайёрлаб, кийим-кечак тиксалар, азалий чорвадор кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларда жун ва теридан маҳсулот ишлаб чиқариш, хусусан, кийимлар тайёрлаш анъанаси кучли бўлган.

Лекин, водийнинг ўтроқ ва ярим ўтроқ ҳамда ярим кўчманчи халқларининг хўжалигидаги бундай тафовутларга қарамасдан турли хил омиллар таъсирида, чунончи, қадимдан ўрнатилган хўжалик-маданий алоқалар натижасида мазкур этносларнинг анъанавий кийимларига ҳам кўплаб умумий жиҳатлар қарор топишига олиб келди.

Ушбу умумий жиҳатлар энди кўпроқ бир хил матодан кийим тайёрлашда, бир халқ учун анъанавий ҳисобланган кийимларни бошқа халқ орасида ҳам тарқалишида намоён бўлади. Дарвоҳе, XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан водийнинг ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳолисида ҳам ип-газламадан тайёрланган кийимлар кенг тарқала бошлади. Бу биринчидан, уларнинг хўжалик фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса, иккинчидан эса маҳаллий ўтроқ аҳоли билан иқтисадий-маданий алоқаларни янада мустаҳкамланиб бораётганлигининг натижаси эди. Бу даврда жанубий қирғизлар, умуман, чорвадор халқлар водийнинг Ўш, Ўзган, Андижон, Кўқон, Марғилон каби шаҳарларидаги бозорлардан тайёр ҳолдаги кийимларни мунтазам равишда ха-

рид қилишга ўтдилар.

Улар томонидан кўпроқ ўзбекча чопон, эркаклар кўйлаги (яктак), дўппи, махси ва шу каби ўзбек ҳунармандлари тайёрлаган кийимлар сотиб олина бошланди. Умуман, бизнинг тадқиқотларимиз натижаси бу даврда жанубий қирғизларнинг эркак ва аёл кийимлари ўзбек ва тоҷиклар миллий кийимига хос кўплаб элементларни ўзлаштириб олиш ҳисобига жиддий ўзгаришларга учраганлигини кўрсатди.

Ўзбек ва тоҷик ҳалқларининг миллий кийимга хос кўплаб элементлар фарғоналик қорақалпоқлар томонидан ҳам ўзлаштириб олинган. Шунинг учун XIX аср охири ва XX аср бошларидаёт, Фарғона қорақалпоқларининг кийими атрофдаги ўзбек ва тоҷик ҳалқларининг кийимидан кам фарқ қилас эди. Шундай бўлса-да, бу даврда водийлик қорақалпоқларнинг анъанавий кийимларига хос бўлган айрим жиҳатлар сақланиб қолмоқда эди. Чунончи, фарғоналик қорақалпоқ аёлларининг устки кийими ўзбек ва тоҷикларникига нисбатан кенгроқ тикилиши ва аксарият ҳолларда қизил рангли матодан тайёрланиши билан фарқланиб турган. Бундан ташқари, турмушга чиқсан водийлик қорақалпоқ аёллари орасида анъанавий ҳисобланган бош кийим “киймешек”ни кийиб юриш одати ҳам яхши сақланган эди⁵.

Уйғурларнинг анъанавий кийимлари ҳам ўзбек ва тоҷикларницидан бичими, тикилиши ва бошقا кўплаб жиҳатлари билан фарқ қилмайди. Бироқ, уйғурларнинг анъанавий кийим-бошларида ҳам айрим этник жиҳатлар сақланиб қолган эдик, бу кўпроқ безакларда акс этган. Бунинг устига водий ҳудудига кўчиб ўтган уйғурларнинг анъанавий кийимлари маҳаллий ўзбек ва тоҷик аҳолиси таъсирида бир қатор иноэтник жиҳатлар билан ҳам бойиди. Масалан, Шарқий Туркистанда яшайдиган уйғур аёлларида паранжи ва чиммат ёпиниб юриш одати бўлмаган. Водий ҳудудига кўчиб ўтганларидан сўнг, уйғур хотин-қизлари ҳам маҳаллий ўзбек ва тоҷиклар таъсирида паранжи ва чиммат ёпиниб юришга ўтдилар⁶.

Ушбу даврда фарғоналик ўзбек ва тоҷик аҳоли ҳам ўзга этносларнинг анъанавий кийимларининг айрим элементларини ўзлаштирганлар. Чунончи, қирғиз чеварлари томонидан тайёрланган устки кийимлардан “пўстин”, бош кийимлардан “кигизқалпоқ” бу даврда ўтроқ ўзбек ва тоҷик аҳолисининг айрим гуруҳлари орасида тарқалган эди.

Этнослараро жараёнлар, ҳалқларни маданий алоқалари акс этган яна бир соҳа бу, ҳалқ анъанавий таомларидир. Гарчи, моддий маданият-

⁵ Қаранг: Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. Нукус, 1959.

⁶ Дала ёзувлари. 1987 йил. Андижон вилояти, Пахтаобод тумани, Уйғур қишлоғи.

нинг ушбу компоненти анча консерватив хусусиятга эга бўлиб, ўзида барқарор этник жиҳатларни сақлаб қолса-да, барибир бу соҳада ҳам этник алоқалар, умуммintaқавий жиҳатлар ёрқин акс этиб турган.

Маълумки, Ўрта Осиёning ўтроқ дехқон ва ҳунарманд аҳолиси билан кўчманччи, ярим кўчманчи чорвадор ҳалқларининг таомлари хўжалик йўналиши ва турмуш тарзидан келиб чиқиб, бир-биридан анча фарқ қилган.

Халқ анъанавий таомларидаги бундай тафовут Фарғона водийси ҳудудидаги этник жамоаларда биз ўрганаётган даврда ҳам сақланиб қолаётган эди. Агар водийнинг ўтроқ ўзбек, тоҷик, уйғур каби ҳалқларининг анъанавий таомлари асосан дехқончилик маҳсулотларидан, чунончи, дон маҳсулотларидан, сабзавот ва мевалардан иборат бўлган бўлса, қирғиз, қипчоқ, қурама, турк, юз каби ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи этник жамоалар ўз озиқ-овқатларини тайёрлашда кўпроқ сут ва гўшт маҳсулотларидан фойдаланганлар.

Фарғона водийси ҳудудидаги қирғиз, қипчоқ, қурама, турк, юз каби этник жамоалар ўтроқлашган қишлоқлардан тўплланган дала материалиларининг таҳлили шуни кўрсатдиги, мазкур этносларнинг XIX-XX аср бошларидаги ўтроқ турмуш тарзига ўтиб, дехқончилик билан шуғулана бошлаган гуруҳлари таомларida жиҳдий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу, аввало, уларнинг таомномасида дехқончилик маҳсулотларидан тайёрланадиган озиқ-овқатларни кўпайиб боришида намоён бўлди. Хусусан, ўтроқ аҳоли томонидан мунтазам тайёрланадиган хамир ва гуруч овқатлар ушбу ўтроқлашаётган қирғиз, қипчоқ, турк, юз, қурама каби этник жамоалар таомномасидан ҳам мустаҳкам жой ола бошлади. Бу гуруҳлар учун атала, гўжа, угра, чучвара каби таомлар деярли тез-тез тайёрланиб, истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларга айланадиган борди. Хўрда, мастава, шавла ва ҳатто, палов каби гуручдан тайёрланадиган таомлар ҳам аста-секин ушбу этник гуруҳлар томонидан ўз миллий таомлари сифатида эъзозланадиган бўлди.

Умуман, водий ҳудудидаги турли этник жамоаларнинг анъанавий таомларини ўзаро қиёсий ўрганишдан маълум бўладики, ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳолининг ўзаро яқинлашуви ва қўшилиб кетиши натижасида таомлардаги тафовутлар ҳам аста-секин йўқолиб бориб, умумўзбек ёки умуммintaқавий хусусият касб қила бошлаган⁷.

Ўзбек, тоҷик, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа этник жамоаларнинг анъанавий урф-одат ва маросимларини Фарғона водийси матери-

⁷ Қаранг: Шаниязов К. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. Ташкент, 1972; Айтбоев М.Т. Пища киргизов XIX – начала XX в. // Известия АН КиргССР. Сер. общест. наук. Фрунзе, 1963. Т.В. Вып I.

аллари асосида ўрганиш шуни кўрсатадики, XIX-XX аср бошларига келиб, бу соҳада этник жиҳатлардан кўра, умуммintaқавий жиҳатлар устувор бўлган.

Урф-одат ва маросимлардаги бундай умумийлик ўзининг тарихий асосларига эга бўлиб, бу, ушбу халқларнинг этногенези ва этник тарихи бир эканлиги, уларнинг маданиятлари ягона этномаданий муҳитда шаклланганлиги билан изоҳланади.

Турли этник жамоаларга мансуб халқларнинг маълум бир ҳудудда ёнма-ён аралашибашлари сўзсиз этнослараро тил алоқаларини юзага келтиради. Зоро, ҳеч бир халқнинг тили ўз ҳолича, ўзга этнослар тилининг таъсирисиз ривож топмайди. Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона во-дийси ҳудудида истиқомат қилиб келган ўзбек, қирғиз, тоҷик, уйғур, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг тили ҳам ўзаро алоқада, бир-бирига таъсир кўрсатиш асосида тараққий этганилиги маълум. Бундай этнолингвистик жараёнлар ва этнослараро тил муносабатлари биз ўргана-ётган даврда ҳам давом этаётган эди.

У.Абдуллаев

ИЗ ИСТОРИИ МЕЖЭТНИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

В статье рассматриваются межэтнические отношения различных этносов, населявших Ферганскую долину. На основе привлечения богатого фактологического и полевых материалов прослеживается специфика традиционных межэтнических контактов населения Ферганской долины.

U.Abdullaev

FROM THE HISTORY OF INTERETHNIC REALIONSHIPS IN FERGANA VALLEY

In this article is considering in various aspects interethnic relationships between different ethnoses who lived in Fergana valley, which was polyethnic from ancient times. Author on the basis of factological and field materials analyzes a specific character of interethnic contacts among population of Fergana valley.

*Тарихчи кутубхонасига**Ф. Қосимов***БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИГА
ОИД ЯНГИ КИТОБ**

(Ш. Ҳайитов, С. Бадриддинов, К. Раҳмонов. «Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт (1920-1924 йиллар)». Бухоро, 2005. 154 бет.)

Мустақиллик даврида XX асрнинг дастлабки ўн йиллеклари тарихи ҳақида юзлаб мақола ва китоблар чоп этилди, илмий тадқиқотлар яратилди.

Ушбу тарихий давр моҳиятини чуқур англаш, зиддиятли, қарама-қаршилик ва мураккабликларга тўлиб - тошган воқеалар тафсилотидан асл ҳақиқатни ажратиб олиш, озодлик ва мустақиллик учун курашларнинг машаққатли йўли ҳақида ҳалқимизда тўла тасаввур уйғотиши йўлида республика тарихчи олимлари самарали ишлар қўйдилар.

Ватанимиз тарихшунослигига тўрт йил мавжуд бўлиб келган Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси (БХСР) даври тарихини ўрганиш ва тадқиқ қилиши ҳам муҳим ўрин тутади.

Совет мустабид тузуми ҳукум сурган йилларда ҳам, истиқлоннинг ортда қолган даврида ҳам БХСР тарихи соҳа мутахассис олимлар учун қизиқарли ва мунозарали мавзуулардан бири бўлиб келганлиги илмий жамоатчиликка яхшигина маълум.

Тарихий ҳақиқат ижтимоий, сиёсий, маънавий - маърифий ҳаёт билан боғлиқ бўлиб, воқеаларни қайта - қайта тафаккур чиғириғидан ўтказилиши орқалигина сайқаллашади ва янада ойдинлашади. Шундан бўлса керак, тарихчи олимларимиз БХСР тарихига мурожаат қилишда давом этаятилар ва айтиш мумкинки, ҳар сафар унинг тарихидаги янгидан - янги қирраларни очишга муваффақ бўлмоқдалар. «Бухоро» нашриёти Ш. Ҳайитов, С. Бадриддинов, К. Раҳмоновларнинг «Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт (1920-1924 йиллар)» номли китобини нашрдан чиқарди. Мазкур китоб Бухоро Республикаси тарихининг ҳанузгача илмий жамоатчиликка тўла маълум бўлмаган қирраларини ёритишга қаратилган.

Муаллифлар ўз тадқиқотларини яратишда БХСРнинг матбуот органи бўлган “Бухоро ахбори” (1920-1923), “Озод Бухоро” (1923-1925) газеталари саҳифаларида чоп этилган юзлаб мақолалар, хорижда эълон

қилинган адабиётлар, архив манбалари ҳамда истиқлол даврида янгича тафаккур талаблари асосида ёзилган асарларга таяниб иш кўришган.

Совет даври нашрларидан фарқли ўлароқ, китобда БХСРдаги иқтисодий, ижтимоий - сиёсий, маданий соҳалардаги эришилган ютуқ ва камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар объективлик мезонидан келиб чиққан ҳолда қараб чиқилади.

БХСР иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ва унинг пахтачилик, қоракўлчилик, ипакчилик, донли экинлар етиштириш соҳалари ташкил қилганлиги, рақам ва далилларда алоҳида бўлимларда очиб берилади. Республикада сунъий суфоришга асосланган деҳқончиликни йўлга қўйиш учун Туркистон АССР билан олиб борилган муносабатлар таҳлилига ҳам эътибор қаратилган.

БХСРда барқарор тинчликнинг мавжуд бўлмаганлиги, “босмачилик” (истиқдолчилик) курашлари туфайли юз берган хўжалик вайронагарлиги туфайли қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инқизозни келтириб чиқарганлиги атрофлича таҳлил қилинади. “1915-1916 йилларда Бухоро амирлигига 2 млн. пудгача пахта ҳосили олиниб, унинг 30-40 фоизини америка пахтаси ташкил этган... 1922 йилда пахта ҳосили 1916 йилдаги ҳосилнинг 25 фоизини ташкил этган” (13 - бет); ёки “1913 йилга қадар амирликда 1.500.000 донадан 2.000.000 донагача қоракўл терилар етиштирилган. 1920 йилда 200.000 дона, 1922 йилда эса бу соҳада бир оз жонланиш бўлиб, 800.000 дона қоракўл терилар етиштирилган” (8-бет).

Республикадаги оғир иқтисодий аҳвол, очарчилик, вақф ер мулкларининг ташландиқ ҳолатга ёелиши туфайли донли экинлар етиштириш ва ипакчилик соҳасида ҳам аҳвол ачинарли бўлган.

Юқоридаги ҳолатга қарамай, БХСР ҳукумати ёш нозир Файзулла Хўжаев (1896-1938) бошчилигида халқпарвар сиёсат олиб борганлиги, вақф мулкларини ўз эгаларига қайтариш, пахта экадиган хўжаликларни ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилиш йўлини тутганлиги баён қилинади.

Республика ҳукумати хориждан замонавий техника ва транспорт воситаларини олиб келиш орқали иқтисодиётни ўнглаш чораларини кўрган.

“Бухоро Республикасига 1923 йилда Чехославакиядан 20 дона трактор, ер текислайдиган техника воситалари, мутахассислари олиб келиш мўлжалланган” - деб ёзилади китобда (9-бет). Бухоро Республикаси ҳукумати икки йил давомида халқни ҳар қандай солиқлардан озод қилган, фақатгина республиканинг учинчи йилида халқа ушр, закот каби солиқлар солинди. Камбағал оиласларга имтиёз берилиб, солиқ миқдори 2,5 фоиз деб белгиланади (27 - бет).

БХСР ижтимоий ҳаёти хотин - қизларнинг роли, улар ҳаёти билан боғлиқ “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро” газеталарида чоп этилган ўнлаб салмоқли мақолалар таҳлили китоб саҳифаларида жой олган. Биз бугунги кунда Бухоро Республикасининг Германия ва Туркияда таҳсил олган собиқ талабалари тарихий тақдиридан бир қадар хабардормиз. 70 чоғлик Германияга юборилган буҳоролик талабалар орасида қизлар деярли мавжуд эмаслигини асослар экан муаллифлар қўйидагича хulosага келадилар. Хорижга юборилган талабалар асосан сағирхона (етимхона)да тарбияланган болалар бўлишган. Мамлакатда ўғил болалар етимхоналари 5-10 тача бўлиб, қизлар учун етимхоналар, қиз болалар уйи мавжуд бўлмаган. Жамиятнинг бадавлат табақалари эса ўз фарзандларини ҳукумат ҳисобидан ўқитишга ҳамма вақт ҳам рози бўлишмаган (38-39-бетлар).

БХСРда маориф ва маданиятни ривожлантиришда ҳукумат мутасадидиларидан Қори Йўлдош Пўлатов, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Сайд Аҳорорий, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Маҳмуд Субоҳ (Субай) каби тарихий шахсларнинг фаолияти қирралари янги далиллар асосида баён қилинади. Қори Йўлдош Пўлатов ўз номи билан 1922 йилда Бухорода биринчи музейга асос солди. Сайд Аҳорорий ўзбек тилида чоп этилган “Бухоро ахбори” газетасининг биринчи муҳаррири эди. А.С. Чўлпон (1897-1938) 1921 йилнинг ёзидан 1922 йил баҳоригача Бухорода яшаб, “Бухоро ахбори” газетасининг 41-сонидан 67-сонига қадар муҳаррирлик қилган. Ўтган давр ичидаги адабининг “Бухоро ахбори” саҳифаларида 15 тача шеъри ва ўнлаб публицистик мақолалари чоп этилган. А.С. Чўлпоннинг ўткир, танқидий руҳ билан сугорилган публицистик мақолалари китобда алоҳида бўлимда таҳлил қилинган (95-101-бетлар). Муҳими шундаки, А.С. Чўлпоннинг машҳур “Халқ” шеъри ҳам Бухорода яратилди. Китобда Бухоро Республикасида Германияга бориб, 20-йилларда таҳсил олган собиқ талабалардан бири Аҳмад Найим Ўқойнинг тақдирни ҳақида бой манбалар асосида ҳикоя қилинади. Муаллифлар Аҳмад Найим (1900 - 1984) нинг ҳаёт йўлини кўрсатиш орқали муҳожирликда яшаган буҳороликларнинг мустақилликка эришиши учун совет мустабид тузумига қарши курашлар тарихини баён қилишган (108-120-бетлар).

Китобда БХСР нозирлар кенгаши раиси Файзулла Хўжаевнинг Германия пойттахи Берлиндан Бухорога йўллаган мактуби, нозирнинг Туркистон муҳожирлари билан муносабатлари масалалари тарихшунослигимизда илк бор тадқиқ қилингандиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек ва тоҷик адабиётининг йирик арбоби, XX аср 20 – йиллар даври Бухоро тарихини ўрганиш учун асарлари муҳим манба ҳисоб-

ланган Садриддин Айнийнинг амалдаги имлода чоп этилган асарлар тўпламига кирмаган «Бухоро ахбори» газетаси қатламларида қолиб кетган учта мақоласи ҳам жамоатчиликка танитилганлиги китоб қадрини бир қадар оширган.

“Бухоро ахбори” газетасининг нашр қилиниш тарихи орқали эса Бухорда матбаачилик ишининг аҳволи тўғрисида маълумот берилади.

Китобнинг “Тақриз ва талқин” деб номланган сўнгти тўртинчи бобида тарихчи олим Қ.К.Ражабовнинг Туркистон ва Бухоронинг 1917–1920 йиллар даврлари тарихига оид китоблари ҳамда Амир Олимхоннинг хорижда яшаётган фарзанди Сайийд Мансур Олимийнинг “Бухоро – Туркистон бешиги” китоби ҳақида мулоҳазалар юритилади.

Умуман олганда, “Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёsat, маданий ҳаёт (1920–1924 йиллар)” китобини кўп қиррали ва воқеаларга бой БХСР тарихини ўрганиш йўлидаги муҳим тадқиқотлардан бири деб баҳолаш мумкин.

Китоб саҳифаларини варақлар эканмиз, муаллифларнинг ушбу тадқиқотига нисбатан бা�ъзи бир эътироzlаримиз вужудга келди:

Аввало, БХСРдаги иқтисодий ҳаётнинг муҳим соҳаси қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳақида фикр юритилар экан, ипакчиликнинг аҳволи билан боғлиқ масалага ҳам жиддий эътибор қаратиш назаримизда муаллифлар ёъгиборидан четда қолган. Иккинчидан эса танланган мавзу имкониятидан фойдаланиб, маданий ва маърифий жараёнларда иқтисодий ва ижтимоий - сиёсий ҳаётда хориждан, бошқа республикалардан БХСРга таклиф қилинган мутахассисларнинг ўрни ва роли қандай бўлганлиги ҳақида фикр юритиш лозим эди. Китобнинг илмий салоҳиятини янада ошириш учун архив манбаларидан кенгроқ ф-даланиш имконияти бор эди.

Юқоридаги нуқсонларга қарамай, ушбу китоб ватанимиз ва БХСР тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларга ҳамда аждодларимиз ўтмиши билан қизиқувчи китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.

Муаллифлардан эса ушбу йўналишда янада самарали илмий излашишлар олиб бориб, барчага манзур бўладиган китоблар кутиб қоламиз. Зероки, ушбу китоб кўп қиррали ва манбаларга бой Бухоро Халқ Совет Республикаси муаммолари тарихи уммонидан бир томчидир холос.

A.Аширов, О. Бўриев

ЭТНОСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА БАФИШЛАНГАН ТАДҚИҚОТ

(У.Абдуллаев. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари)». Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. 215 бет.)

XXI аср ўзбек халқи тарихи ва миллий қадриятларини ўрганиш соҳасида янги зарвақларни муҳрламоқда. Бугунги кунда тарихимизнинг номаълум қирралари қайтадан кашф этилмоқда. Айниқса, дунё миқёсида миллиатлараро муносабатлар долзарб муаммолардан бири бўлиб турган ҳозирги вақтда турли минтақаларда яшаётган халқларнинг этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлигини, миллиатлараро мулоқот ва давлатлараро ташқи сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларининг ижобий жиҳатларини тарихий-этнографик материаллар асосида ёритиб бериш, ҳар қандай халқнинг тарихи, маданияти қўшни қардош халқ тарихи ва маданияти билан бевосита узвий боғлиқ эканлигини фактик материалларга таянган ҳолда кўрсатиб бериш фавқулодда муҳимдир.

“Янги аср авлоди” нашриёти томонидан чоп этилган элшунос олим У.С.Абдуллаевнинг “Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар” номли монографияси шу маънода ўз вақтида амалга оширилган тадқиқот ҳисобланади. Ушбу тадқиқот муаллифнинг қатор йиллар мобайнида олиб борган жиддий изланишларининг самараси бўлиб, у илмий ҳамда айни вақтда амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолар ечимига бағишлиланган. Аникроқ қилиб айтганда, монография XIX аср ва XX аср бошлари хронологик давр доирасида Ўрга Осиёнинг энг аҳоли зич жойлашган, этник жиҳатдан мураккаб тузилишига эга бўлган ҳамда ўзига хос этномулоқот ҳудудларидан бири ҳисобланган Фарғона водийсидаги турли этник гурухлар ўргасидаги ўзаро алоқалар характеристини, минтақада яшовчи турли этносларнинг хўжалик-савдо ва этномаданий алоқаларини илк бора тарихий-этнографик адабиётлар, статистик ва архив материаллари ҳамда дала этнографик маълумотлари асосида чуқур, ҳар томонлама тадқиқ қилишга бағишлиланган.

Монография таркибий тузилиш жиҳатидан кириш, тўрт боб ва хуносадан иборат бўлиб, бунга қисқартма сўзлар рўйхати илова тарзида келтирилади.

Китобнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш дарражаси, мақсади ва вазифаларга тўхталинган бўлиб, муаллиф томонидан этнослараро жараёнлар муаммосининг нафақат этнология ва тарих

фанлари учун илмий аҳамияти балки, бугунги замонавий жамият учун ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилган.

Биринчи боб “XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси аҳолиси: этник таркиби ва этносларнинг жойлашув хусусиятлари” деб номланниб, бунда ўрганилган даврдаги водий аҳолисининг этник таркиби ва минтақа бўйлаб турли этнослар ва этнографик гуруҳларнинг жойлашиш хусусиятлари ва унинг тарихий асослари назарий-методологик қарашлар асосида таҳлил этилган. Шунингдек, монографияда тадқиқ қилинаётган даврда этнослараро жараёнларнинг қизгин кечишини таъминловчи муҳим омиллар тўғрисида ҳам эътиборга сазовор мулоҳазалар баён қилинган бўлиб, муаллифнинг фикрича, минтақа аҳолиси орасида кечган тифиз этномаданий алоқаларда водийнинг қадимги полиэтник таркиби ҳам муҳим омил бўлган. Қолаверса, айнан мазкур бобда У.С. Абдуллаев томонидан XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси аҳолисининг этник таркибини ўзбеклар, тожиклар, қипчоқлар ва қирғизлар билан бирга, водийга тарихнинг турли босқичларида келиб жойлашган қорақалпоқлар, уйғурлар, яхудийлар, руслар, украинлар, татарлар, лўлилар ва сон жиҳатдан кўп бўлмаган бошқа этнографик гуруҳлар ташкил этганилиги ва уларнинг жойлашув хусусиятлари ўзига хос этноиқтисодий ҳамда этномаданий омиллар тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

“Этнослараро хўжалик ва савдо-сотиқ алоқалари” номли иккинчи бобда водий аҳолисининг хўжалик фаолияти соҳасидаги ўзаро муносабатлари ҳамда этнослараро савдо-сотиқ алоқалари, жумладан, водий бозорларининг этнослараро жараёнлардаги ўрни борасида қизиқарли янги маълумотлар илмий истеъмолга киритилган.

Учинчи боб “Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар” деб номланган. Муаллиф ушбу бобда этнослараро алоқаларни аҳоли турар-жойлари, кийим-кечаклари ва таомларида намоён бўлишини фактик материаллар асосида таҳлил қилган. Қолаверса, айнан мазкур қисмда Фарғона водийси аҳолисининг турар-жойлари ва уларнинг шаклланишида табиий-географик омиллар билан бирга этнослараро алоқалар ҳам муҳим роль ўйнагани таъкидланиб ўтилган. Ушбу бобнинг алоҳида бўлимида халқ анъанавий таомларидаги этник ва иноэтник компонентлар кўрсатиб берилган.

Тўртингчи боб “Маънавий маданият соҳасидаги этнослараро муносабатлар” деб номланниб, унда водий аҳолисининг анъанавий урф-одат ва маросимларидаги этник ҳамда умуммintaқавий жиҳатлар, этнолингвистик жараёнлар ва этнослараро тил муносабатлари таҳлил этилган.

Монографиянинг якунида мухтасар тарздаги берилган хулосада эса этнослараро жараёнларни илмий-назарий аҳамияти юзасидан умумий хулосалар баён қилинган бўлиб, ушбу илмий мулоҳазалардан келгусида Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистондаги миллий-этник алоқаларнинг нафақат тарихий асосларини тадқиқ қилишда, балки, ҳозирги ва келгусидаги миллий-этник муносабатларни мувофиқлаштириб туришда ҳам амалий фойдаланиш мумкинлиги таъкидланган.

Мазкур асарнинг яна бир энг муҳим жиҳати шундаки, муаллиф монографияда тадқиқот обьекти бўлган Фарғона водийсидаги анъанавий этнослараро жараёнларнинг тавсифи билан чекланиб қолмаган, балки, ушбу жараёнларнинг моҳиятини, ривожланиш йўналишиларини, бу жараёнларга таъсир этувчи омилларни аниқ, лўнда илмий асосли тарзда ёритиб бера олган. У.С.Абдуллаев ўзининг ушбу ишида XIX аср ва XX аср бошларида Фарғона водийси ҳудудида яшаб турган ўтроқ ва ярим кўчманчи, ярим ўтроқ этник жамоалар орасидаги хўжалик-савдо алоқаларини тарихий-этнографик материалларга асосланиб янгича нуқтаи назар ва методологияда таҳлил қилган.

Хуллас, этнолог олим У.Абдуллаев ушбу монографиясида Фарғона водийсида XIX аср ва XX асрнинг бошларида кечган этнослараро жараёнларни бирламчи манбалар асосида таҳлил қилиб беришга муваффақ бўлган. Шу боис, биз мазкур монографияни келгусида ўзбек халқи этнологиясидаги энг салмоқли тадқиқотлардан бири сифатида эътироф этилади ва мазкур йўналишда бажариладиган қатор тадқиқотларга манбавий асос бўлиб қолади, деб умид қиласиз.

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

**АКАДЕМИК КАРИМ ШОНИЁЗОВ ЎҚИШЛАРИ ТУРКУМИДА
ЎТКАЗИЛГАН “МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АНЬНАВИЙ
ВА ЗАМОНАВИЙ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁИЛАР”
МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ҲАҚИДА**

Ҳаётининг асосий мазмунини илмий фаолиятда деб билган заҳматкаш фан дарғаси Карим Шониёзов маданий меросини ўрганиш мақсадида ЎзР ФА Тарих институтида 2005 йил 19 сентябрда ўтказилган “Академик Карим Шониёзов ўқишилари” бугунги кунда анъанага айланаб бормоқда.

Анжуманда республикамизнинг турли минтақаларидан этнолог, тарихчи, шарқшунос, археолог, фольклоршунос етакчи олимлар ва ёш тадқиқотчилар иштирок этдилар.

Анжуманни ЎзР ФА Тарих институти директори, т.ф.д., проф. Д.А. Алимова кириш сўзи билан очди, сўнгра академик Карим Шониёзов билан бир неча йиллар бирга ишлаган ҳамкасб дўстларидан академик А.Муҳаммаджонов ва устознинг куёви санъатшунослик фанлари доктори А.Ҳакимовларнинг олим ҳақидаги хотиралари эштилди.

Анжуманнинг ялпи йиғилишида т.ф.н. А.Аширов “Замонавий ўзбек этнологияси: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида маъруза қилди. Маърузачи этнология фани соҳасидаги янгича йўналишлар аҳамиятини, бажарилаётган илмий тадқиқотларнинг аксарияти жамият ҳаётида бугунги кунда долзарб, деб зътироф этилаётганлигини, этногенетик жараёнлар доирасида Карим Шониёзов яратган мактаб вакиллари, яъни шогирдлари этнологиянинг назарий-методологик усулларига оид илмий тадқиқотлар билан чекланмасдан балки “анъанавий замонавийлик”ни, ижтимоий маданий инновациялар, анъанавий жамиятнинг замонавий ҳаётини тадқиқ қилаётганларини илмий асослаб берди. Шунинг билан бирга маърузачи фан соҳасидаги асосий муаммоларни бирма-бир таъкидлаб, уларнинг ечими ҳақидаги хулосаларини ҳам ўртага ташлади.

Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти доценти, т.ф.н. У.Абдуллаевнинг “Фарғона водийсидаги этнолингвистик жараёнлар” мавзусидаги маърузада Фарғона водийсида антик замонлардан бўён истиқомат қилиб келаётган турли этносларнинг ўзаро тил муносабатларига бағишланган масалалар, хусусан этнослар орасидаги туркийлашиш жараёнлари мукаммал ёритилди.

Фалсафа фанлари номзоди, ижтимоий фикр маркази ходими Н.Назаровнинг “Марказий Осиёда этноижтимоий ҳамкорликнинг баъзи қиралари” мавзусидаги маърузаси қизиқиб тингланди. Маърузачи Марказий Осиёдаги этносларапо интеграциялашув жараёнини кейинги йилларда тадқиқ этиб, этноижтимоий жараёнлар ривожини кузатиб, қўйидаги илмий хулосаларни эълон қилди. Марказий Осиё минтақасида миллатлараро муносабатлар ривожи этноижтимоий тараққиётда табиий жараён бўлиб, у ижобийдир; алоҳида этник гуруҳга мансублик хислатлари минтақа ҳалқлари учун бефарқ бўлмаслик хислатлари ривожига ижобий таъсир этади; ташқи таҳдидга минтақа ҳалқлари интеграциялашув мавқеи ва ҳаракатлари яна ҳам ўсаверади: интеграциялашув жараёни минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳимдир.

Шунингдек, анжуман ялпи йиғилишида Қарши давлат университети доценти, т.ф.н. О.Бўриев “Чигатойлар этник тарихидан” мавзусида маъруза қилди. Маърузада Чигатой давлати, Чигатой улуси, ўзбек ва тоҷик чигатойлар ҳақида маълумотлар келтирилиб, XIV асрнинг 40-йилларида Чигатой давлатининг шарқий ва фарбий қисмларга бўлиниши натижасида мўғул қабилаларининг бир қисми Мовароуннаҳрга кўчиб келиши ва ўтроқ маҳаллий аҳоли таъсирида ярим ўтроқликка ўтиш масалалари батафсил ёритилди. Бундан ташқари маърузада XX аср бошлирида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўзбек ва тоҷик тилли чигатойларнинг мазкур миллатлар таркибига сингиб бориши ҳақидаги илмий хулоса асослаб берилган.

Анжуманда Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар муаммоларига оид қатор маърузалар тингланди. Булар ичida академик А.Асқаровнинг “Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши” мавзусидаги маърузасида ўзбек миллий кураши тарихи ҳақидаги ёзма манбаларнинг маълумотлари минг йилдан нарига ўтмаслиги, қадимги ва илк ўрта асрлар даври кураш тарихига оид ёзма манбалар турли сабабларга кўра бизгача етиб келмаганлиги таъкидланди. Бу мавзуга оид материаллар монументал деворий суратлар ва амалий санъат обьектларидан изланган 7 та археологик топилма бўлиб, уларнинг батафсил илмий таҳлили эшигилди.

Академик А.Муҳаммаджоновнинг «Соҳибқирон атамасининг семантикаси ва Зулқарнайн атамаси борасида» мавзусидаги маърузасида соҳиб субстрати ва қирон морфемаси, Зулқарнайн атамаси этимони таҳлили ҳам катта қизиқиш билан тингланди.

Анжуман якунидаги тингланган маърузалар бўйича муҳокамалар бўлиб ўтди. Маърузалар муҳокамасида т.ф.д., проф. З.Ҳ.Орифхонова, т.ф.д., проф. М.М.Исҳоқов ва т.ф.н. У.Абдуллаев сўзга чиқдилар.

Этнологиянинг назарий методологик масалалари, этногенез ва этник тарих муаммолари, анъанавий ва этномаданий жараёнлар, этнослараро интеграция жараёнлари каби муаммоли ва долзарб масалаларига бағишланган анжуман маърузалари илмий тўплам шаклида нашр этилди.

Конференция якунида институт директори т.ф.д., проф.Д.А.Алимова академик К.Шониёзов ўқишилари туркумидаги анжуманлар бир-бирiga ўхшаб қолмаслигини таъкидлаб, этнология фани ривожини белгиловчи алоҳида масалаларга бағишлиланган ўқишилар ташкил этиш таклифини илгари сурди.

М. Курбонова

РАЬНО ЁДГОРОВНА РАЖАПОВА

Ўзбекистон илмий жамоаси оғир жудоликка учради. Таниқли тарихчи олима, тарих фанлари доктори Раъно Ёдгоровна Ражапова 2005 йил 16 ноябрда юрак хасталиги натижасида тўсатдан вафот этди.

Р.Ё. Ражапова 1935 йил 1 октябрда Термиз шаҳрида ишчи оиласида туғилди. У 1953 йилда ўрта мактабни тугатиб, М.В. Ломоносов номидаги МДУ тарих факультетига ўқишига кирди. Ўқиши тугатгач, маълум муддат давомида Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида масъул лавозимларда хизмат қилди. Р.Ё. Ражапова 1959 йилда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институтига ишга киради ва шу пайтдан то умринг охиригача тарих фани соҳасида фаолият кўрсатди.

Р.Ё. Ражапова 1986-1991 йилларда Ўзбекистон ФА Тарих институти директори лавозимида ишлади. Бу мамлакат ҳаётидаги мураккаб, жиддий ўзгаришлар арафаси, айни пайтда, тарих фани таназзулга юз тутган давр эди. Бу мураккаб вазиятда Р.Ё. Ражапованинг илмий салоҳияти ва ташкилотчилик қобилияти тарих фанидаги янгиланиш жараёнларига бошчилик қилиши тарихчии кадрларни ёшартириш йўлини тутганида намоён бўлди.

Р.Ё. Ражапованинг илмий изланишлари доирасидаги XX асрда Туркестон ва Ўзбекистонда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатлари: жадидчилик ва совет режимига қарши қуролли ҳаракат, Ўрта Осиёдаги миллий-ҳудудий чегараланиш, сиёсий партиялар фаолияти каби муаммолар илк бор жалб қилинган архив материаллари, янгича ёндопувлар асосида ўрганилди. Раъно Ёдгоровна Туркестон минтақасининг 1917-1924 йиллардаги совет даври тарихини ўрганишнинг янги концепциясини ишлаб чиқди. Р.Ё. Ражапованинг бу концепцияси унинг илмий муҳарририлигига нашр этилган йирик фундаментал тадқиқот – “Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости” (Ташкент: Шарқ. 2000) монографиясида яққол ифодасини топди.

Бутун илмий фаолиятини Ўзбекистонда тарих фани равнақига бағишилаган Р.Ражапова дарсликлар ва ўкув қўлланмалар яратишда иштирок этди, республикамиз олий ўкув юргларида тарих фанининг долзарб муаммоларига бағишиланган маърузалари орқали тарихий билимларни

тарғиб қилди. Унинг раҳбарлигига 3 фан доктори ва 7 фан номзодлиги диссертациялари ҳимоя қилинди.

Р.Ё. Ражапова Тошкент, Москва, Лиссабонда ўтказилган халқаро илмий анжуманларда маъruzалари билан иштирок этиб, Ўзбекистон тарих фани ютуқларини жаҳонга танитишга муносиб ҳисса қўшди. Р.Ражапова шунингдек, ЮНЕСКО томонидан нашр этилаётган “Марказий Осиё цивилизациялари тарихи” номли кўп жилдлик асар муаллифларидан бири бўлди.

Фидойи олиманинг илмий ва мураббийлик фаолияти ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Р.Ё. Ражапова 2003 йилда “Шуҳрат” медали билан мукофотланди.

Бутун умрини илму фанга бағишилаган олима, талабчан устоз, камтариш инсон Раъно Ёдгоровна Ражапованинг ёрқин хотираси дўстлари, ҳамкаслари ва шогирдлари қалбида умрбод сақланиб қолади.

«Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти

Коёнин Нуринадира Ахмедова

Художник Фарид Мирзабеков

Стилистикада Айдана Султанова

Дизайнер Анира Абдуллаева

Макет Айдана Султанова

Технический редактор Айдана Султанова

Издательство “Навоий таҳририяти”

Издано в г. Навои в 2005 г. Типография “Навои

Издательство “Навоий таҳририяти”

Издано в г. Навои в 2005 г. Типография “Навои

Издательство “Навоий таҳририяти”

Издано в г. Навои в 2005 г. Типография “Навои

Издательство “Навоий таҳририяти”

книжномон кеф 5 за жостовииф биргандада иштеп келим бендер

билимни көмек берген китабынан

жардам берген китабынан

жардам берген китабынан

МУНДАРИЖА

- А. Хўжаев. «Юэчжи» атамасининг топонимдан этнонимга
айланиши ҳақида 3

- Х. Тўраев. Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида
Жўйборийлар 15

Тарихшунослик, манба ва талқин

- Р. Худойберганов. Истахрий ва унинг “Масолик ал-мамолик”
асари ҳақида 24

- Х. Фуломов. XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё
ва Россиянинг дипломатик алоқалари: муаммо тарихшунослиги 31

Этнология муаммолари

- М. Исомиддинов. Ўрта Осиё халқлари этник тарихига доир
айrim мулоҳазалар 44

- М. Жўраев, М. Пирматова. Ўзбекларнинг чорвачилик билан
боғлиқ маросимлари ва “чорва ҳисоби” тақвими 54

- У. Абдуллаев. Фарғона водийсидаги этнослараро муносабатлар
тарихидан 65

Тарихчи кутубхонасиага

- Ф. Қосимов. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихига оид янги
китоб 72

- А. Аширов. О. Бўриев. Этнослараро муносабатлар тарихига
багишланган тадқиқот 76

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

- М. Қурбонова. Академик Карим Шониёзов ўқишилари туркумида
ўтказилган «Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий
жараёнлар» мавзусидаги илмий-назарий конференция ҳақида 79

- Раъно Ёдгоровна Ражапова 82

СОДЕРЖАНИЕ

А. Ходжаев. О трансформации “юэчжи” из топонима в этноним	3
Х. Тураев. Джуйбариды в общественно-политической жизни Бухарского ханства.....	15

Историография, источник и комментарии

Р. Худайберганов. О сочинении ал-Истахри “Масалик ал-мамалик”	24
Х. Гуломов. Дипломатические связи Средней Азии и России в XVIII - первой половине XIX века: историография проблемы	31

Проблемы этиологии

М. Исомиддинов. К этнической истории народов Средней Азии	44
М. Жураев, М. Пирматова. Обычаи узбеков, связанные со скотоводством и скотоводческим календарем	54
У. Абдуллаев. Из истории межэтнических отношений в Ферганской долине	65

В библиотеку историка

Ф. Косимов. Новая книга об истории БНСР	72
А. Аширов, О. Буриев. Книга, посвященная межэтническим отношениям	76

Научная жизнь: конференции, встречи, дискуссии

М. Курбонова. О научно-практической конференции на тему “Традиционные и современные этнокультурные процессы в Центральной Азии” из цикла “Шаниязовские чтения”	79
Раъно Ёдгоровна Раджапова	82

Муаллифлар ҳақида маълумот

- А. Ҳўжаев — ЎзР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т.ф.д.
- Д. Тўраев — БухДУ доценти, т.ф.н.
- Р. Худойберганов — ЎзР ФА Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
- Х. Ғуломов — Мирзо Улугбек номли ЎзМУ доценти, т.ф.н.
- М. Исомиддинов — ЎзР ФА Археология институти етакчи илмий ходими, т.ф.д.
- М. Жўраев — ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти бўлим бошлиғи, ф.ф.д.
- М. Пирматова — ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти тадқиқотчиси.
- У. Абдуллаев — Андижон Давлат муҳандислик -иқтисодиёт институти доценти, т.ф.н.
- Ф. Қосимов — БухДУ «Тарихшунослик ва манбашунослик» кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.
- А. Аширов — ЎзР ФА Тарих институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, т.ф.н.
- О. Бўриев — Қарши Давлат университетининг «Жаҳон тарихи ва археология» кафедраси мудири, т.ф.н.
- М. Қурбонова — БухДУ «Жаҳон тарихи ва тарихшунослик» кафедраси доценти, т.ф.н.

Мұхаррирлар: *M. Саидова, A.C. Михерёва*
Техмұхаррир: *Л. Тюрина*

Рұйхатдан ўтиш тартиби № 153. Теришга берилді 30.01.2006.
Босишига рухсат этилди 13.03.2006. Қоғоз бичими 70x100^{1/4}. Таймс гарнитура.
Офсет босма. Офсет қорози. Шартли босма 7,09 т.
Хисоб-нашриети 4,7 т. 369 нұсха. 81-буюртма.

ҮзР ФА «Фан» нашриёти: 100047. Тошкент, ақад. Я. Гуломов күчаси, 70.
ҮзР ФААК босмахонасида чоп этилди. Тошкент, И. Мұмминов күчаси, 13-үй.



теп. 3440 с

Индекс 1027